

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ТАЛИПОВ ФАРРУХ КАМИЛОВИЧ

**Молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш шароитида
корхона молиявий барқарорлигини таҳлили (Тошкент «Нон шаҳри»
хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мисолида)**

5A340902-“Аудит” (тармоқлар бўйича) мутахассислиги
магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Раҳбар: и.ф.н., доцент

Тожибоева Ш.А.

Тошкент – 2011 й.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш шароитида молиявий барқарорликининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	
1.1.Молиявий барқарорликнинг моҳияти ва таҳлил қилишнинг зарурлиги.....	8
1.2.Корхона молиявий барқарорлиги таҳлилининг вазифалари ва ахборот манбалари.....	12
II боб. Корхонанинг мулкӣ ҳолатини таҳлил қилиш усуллари	
такомиллаштириш.....	19
2.1. Корхона мулкининг таркиби ва маблағлари манбаини таҳлили....	19
2.2. Молиявий барқарорлини ифодаловчи коэффициентларини таҳлили.....	26
2.3.Корхонанинг тўлов қобилияти, мол-мулк ва маблағлар ҳаракатчанлигини таҳлили.....	36
III боб. Корхона молиявий барқарорлигини ишчанлик фаоллиги билан боғлиқ кўрсаткичлари таҳлилини такомиллаштириш.....	47
3.1.Айланма маблағларни айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш...	47
3.2.Дебиторлик қарзларининг умумий ҳажми ва айланувчанлик коэффициентларини таҳлили.....	57
3.3.Кредиторлик қарзларининг таркиби ҳамда айланиш кўрсаткичларини таҳлили.....	65
Хулоса ва таклифлар.....	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	77
Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш шароитида турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишдир. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларни молиявий барқарорлигини таъминлашни тақозо этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов: «Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз лозим»¹ деб айтиб ўтдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан, корхоналарда ҳам оқилona бошқарувни ташкил этиш, моддий, меҳнат ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигининг таҳлили уларни молиявий фаолиятини яхшиланишига, бу жараёнда тежамкорлик кучайишига, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилona фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, ҳисоб-китоб мустаҳкамланишига, молиявий интизом бузилиш ҳолларини очиб ташлаш ва йўқотишга, ички имкониятларни излаб топиш ҳамда улардан фойдаланишга, корхоналарнинг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини

¹ И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.. 21.01.2011 й. 2 б.

яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради. Бунинг учун эса, амалиёт корхона молиявий ҳолати барқарорлигини таҳлил қилиш борасида илмий асосланган услубиятга эга бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тадқиқот ишининг долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарнинг молиявий ҳолати барқарорлигининг таҳлили борасида МДХ ва республикамиз иқтисодчи олимларидан Абдукаримов И.Т., Акрамов Э.А., Баканов М.И., Хасанов Б.А, Дўстмуратов Р.Д., Пардаев М.Қ., Тўлахўжаева М.М., Ковалев В.В., Кравченко Л.И., Палий В, Нельсон А, Савицкая Г.В., Шеремет А.Д ва Шоалимов А.Х.лар катта ҳисса қўшганлар. Ушбу тадқиқотларда бозор муносабати шаклланаётган бугунги кун иқтисодий назариясига асосланиб, корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш масалалари тадқиқ қилинган.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган мавзу ҳисобланади. Шу боисдан, корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари ёритишда муаммога тизимли ва комплекс тарзда ёндошилди. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти, назарий ва методологик асосини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш шароитида корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- корхона молиявий барқарорлиги таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва асосий тамойилларини аниқлаш;

-корхонанинг мулкый ҳолати ва ўз маблағлари манбаларини мазмуни, таркибини баҳолаш ва аниқлаш услубини тадқиқ қилиш;

-таҳлил қилинаётган объектнинг молиявий барқарорлик коэффициентларини баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилиш;

-корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини тадқиқ қилиш;

- корхона айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилиш.

- дебиторлик қарзларининг мазмуни, таркиби ҳамда таҳлил қилиш усулларини кўрсатиб бериш;

- кредиторлик мажбуриятларининг таркиби, тузилиши ва айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўлларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, «Тошкент - нон шаҳри» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети корхона молиявий ҳолати барқарорлиги таҳлили билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизимидан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Илмий-тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, нисбий ва ўртача миқдорлар, балансли боғланиш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси сифатида жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган оламни билиш назарияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ишлаб чиқилган Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақолалари, меъёрий ҳужжатлар, таниқли хорижий ва республикаимизнинг етакчи иқтисодчи олимларининг илмий-тадқиқот ишлари асос қилиб олинди.

Илмий-тадқиқот натижасида яхлит хулосага келиш ва мантиқий бир-бирига узвий боғлиқ бўлган назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида уни ўрганишга комплекс ва тизимли тарзда ёндошилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни комплекс ва тизимли таҳлил қилишдан иборатдир.

Ушбу ўта кенг қамровли масалаларни ечими қуйидаги назарий-амалий хулоса ва тавсияларда ўз ифодасини топган:

- молиявий ҳолат барқарорлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилди;

- корхонанинг мулкӣ ҳолати ва ўз маблағлари манбаларини мазмуни, таркибини баҳолаш ва аниқлаш усуллари тадқиқ қилинди;

- молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинди ва корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- корхона тўлов қобилиятини ифодаловчи коэффицентларни таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинди;

- корхона айланма маблағларини айланиш кўрсаткичларини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш ва натижа кўрсаткични ошириш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- дебиторлик қарзларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилиш ҳамда уларнинг айланиш даврини омилли таҳлил қилиш усуллари тавсия қилинди;

- кредиторлик қарзлари таҳлил қилиш йўллари ва корхона молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун дебиторлик-кредиторлик қарзларини аҳволини яхшилаш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишда кўрсатилган назарий, услубий ва амалий масалалар корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигини таҳлил қилишда методологик асос бўлиши мумкин. Шу билан бирга тадқиқот натижаларидан иқтисодий таҳлил бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмаларни яратишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхонани самарали бошқариш унинг хўжалик фаолияти, маблағ воситаларининг аҳволи ва улардан фойдаланиш, уларни ташкил этиш манбалари тўғрисида тўла ишонарли иқтисодий ахборотни тезкорлик билан олиш ва фойдаланишни мақсад қилади. Ушбу мақсадга корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш орқали эришилади. Мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таҳлил усулларида фойдаланиш корхоналарни молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш ҳамда ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Илмий тадқиқот давомида олинган натижалар, хулоса ва тавсиялар “Тошкент нон шаҳри” хусусий корхонаси амалий фаолиятига тадбиқ қилинди. Тадқиқот натижалари бўйича маъруза тезиси чоп этилган.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 17 та жадвал, 3 та расм ва иловалардан иборат.

I БОБ. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ

1.1.Молиявий барқарорликнинг моҳияти ва таҳлил қилишнинг зарурлиги

Мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш шароитида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий ҳамда молиявий салоҳиятини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов: «Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор»²деб айтиб ўтдилар. Бу эса, ўз навбатида корхоналарнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги шароитида хусусий, қўшма, ҳиссадорлик, давлат ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, хусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан — баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Шу боис, ҳозирги шароитида ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

Корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигини таҳлил қилиш молиявий таҳлилнинг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Корхоналар

² И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12.11.2010 й. 5 б.

молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий мақсади — молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янади тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, харажатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади.

Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, махсус ва мақсадли маблағлар, захира жамғармаси, фойда ва зарарлар, турли хил ҳисоб-китоблар, қийматли қоғоз ва векселлар бўйича маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади. Булар хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда корхонанинг молиявий аҳволи ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Корхонанинг молиявий аҳволи молиявий ресурсларнинг турлар бўйича мавжудлигини, рақобатбардошлик даражаси, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдида мажбуриятларни бошқариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуидир.

Иқтисодчи олим М.Қ.Пардаевнинг фикрича: «Корхона молиявий аҳволини баҳолаш мулкий ҳолат; ликвидлилик; молиявий барқарорлик; молиявий натижалар; ишга оид фаоллиқни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича баҳоланади»³.

Корхоналарнинг молиявий ҳолати бу:

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, улар корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;

³ Пардаев М.Қ., “Иқтисодий таҳлил”. -Т.: Меҳнат. 2004. 328 б.

- корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасидир;
- корхоналарнинг мўътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;
- корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий акс эттиришдир.

Корхоналарнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу корхона билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман корхоналарнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия, кредит ва бошқалар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари керак.

Иқтисодчи олим Э.А.Акрамовнинг фикрича: «Корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳолатини таҳлил қилиш, яъни молиявий таҳлил – бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усуллардан фойдаланилиб корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир⁴.

Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб процесс бўлиб, у ташкил қилиниши, бунинг учун эса бир қатор тамойилларга асосланиши керак. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни борлигини билиш;
- молиявий таҳлил мобайнида абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш;

⁴ Э.А.Акрамов. «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили». - Т.: “Молия” нашриёти. 2003, 8 бет

- молиявий таҳлил мантиқий равишда амалга оширилиб, у индуктив усулга – алоҳида ҳодисалардан умумий ҳодисаларга ўтиш, молиявий ҳолатнинг бир шакл кўринишидан умумий кўринишга ўтиш ва дедуктив усулга – умумий ҳодисалардан алоҳида ҳодисаларга ўтишга асосланиб таҳлил қилиш;

- ҳамма фойдаланилаётган кўрсаткичлар бир ҳил, асосланган усулда аниқланиши лозим;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишда таҳлил қилинаётган корхона кўрсаткичларини бошқа корхоналар, ўртача тармоқ кўрсаткичлари ва илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш;

- молиявий таҳлилнинг ҳар томонлама бўлишлиги ва корхоналарнинг умумий молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш;

- молиявий таҳлилни самарали ўтказиш учун керакли маълумотларни олдиндан тайёрлаш ва бу борада асосий тасдиқланган молиявий манбалар билан чекланмасдан бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;

- молиявий таҳлил объектив равишда ташкил қилиниб, у корхоналарнинг молиявий ҳолати реал даражасини ифодалаши лозим;

- молиявий таҳлил ўз вақтида ўтказилиб, таҳлил якунларига асосланиб, молиявий ҳолатни яхшилаш чораларини ўз вақтида амалга оширишга имкон бериш;

- молиявий таҳлил комплекс равишда ўтказилиб, унда молиявий ҳолатнинг ҳамма шакл ва йўналишлари ифодаланиши лозим;

- молиявий таҳлил ўз вақтида ва ҳаққоний бўлиб, у молиявий ҳолатни кўтаришга бағишланган тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга имкон бериши керак;

- молиявий ҳолатни таҳлили шундай вақтда ўтказилиши лозимки, таҳлил якунлари қўйилган мақсадни амалга ошириб, корхона бошқарувини такомиллаштиришга имконият туғдириши лозим;

- молиявий таҳлил барча йиғилган ва умумлаштирилган маълумотларга асосланиб, керакли кўрсаткичлардан фойдаланиб, бу кўрсаткичларнинг асослилиги тўғри усулларда аниқланиши лозим.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Корхоналарни ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун анъанавий, қадимдан қўлланиб келинаётган усуллар билан бирга, кенг тарзда сатистика усулари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омиллараро корреляция алоқаларини аниқлаш, жадвал ва чизма тизимдан фойдаланиш лозим.

Умуман таҳлил қилиш усуллари, айниқса, молиявий ҳолат барқарорлигини таҳлил қилиш усуллари молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф қилиш шароитида янада такомиллаштирилиши, корхоналараро таққослаш, рақобатчи ва илғор корхоналар билан таққослаш ҳамда корхоналарнинг истиқбол молиявий ҳолатини таҳлил қилиш усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб қолди.

1.2. Корхона молиявий барқарорлиги таҳлилининг вазифалари ва ахборот манбалари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикамиз иқтисодий салоҳиятини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини тўхтовсиз ошириш ва бошқа муҳим вазифаларни самарали бажарилиши кўп жиҳатдан иқтисодиётда саноат корхоналарини барқарор ривожланишига ҳам боғлиқдир. Ушбу тармоқни давр талабларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатишини таъминлаш эса, бевосита унинг асосини ташкил қилувчи хўжалик субъектлари

фаолиятини ҳар томонлама ривожлантирилиши билан амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таҳлил қилишни тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва нохуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва холисона таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади»⁵.

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси куйидагиларни баҳолаш ҳисобланади:

- бухгалтерия баланси ва мулкӣ ҳолат кўрсаткичлари тузилмаси;
- асосий воситалар аҳволи, таъминланганлик ва фойдаланиш самарадорлиги;
- молиявий барқарорлик;
- ликвидлилик ва тўлов қобилияти;
- хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари;
- ишга доир фаоллик.

Бажариладиган вазифалар шуни кўрсатяптики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш корхоналарда шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Корхоналар молиявий ҳолат барқарорлиги таҳлилининг даражаси ва мазмуни фойдаланилаётган маълумотлар базасига боғлиқ. Иқтисодий фанларнинг ривожланиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг такомиллаштирилиш билан маълумотлар базаси ҳам такомиллашиб боради. Демак, фойдаланиладиган маълумотлар молиявий таҳлилнинг манбалари

⁵ И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.. 21.01.2011 й. 1 б.

бўлиб ҳисобланади. Бундай манбалар сифатида корхоналарнинг йиллик ва бошқа ҳисоботларини кўриш мумкин.

Бухгалтерия баланси (1-шакл) корхонанинг молиявий ҳолатини йил бошига ва йил охирига бўлган ҳолатини, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл) корхонани ўтган йил ва ҳисобот даврида молиявий хўжалик фаолиятини натижаларини ҳолатини, корхонани ҳисобот давридаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳолатини (2а-шакл), асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-шакл) асосий воситаларни ҳисобот йил бошига ва йил охиридаги қолдиғини ҳолатини, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл) ҳисобот давридаги пул оқимлари чиқим ва кирим ҳолатини ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл) корхона хусусий капиталини йил бошига ва йил охирига бўлган ҳолатини акс эттиради.

Бухгалтерия баланси корхона молиявий ҳолати барқарорлигини таҳлил қилишда асосий ахборот манба ҳисобланади. Бухгалтерия балансини таҳлилга тайёрлаш уни тузишнинг тўғрилиги ва айрим моддаларининг аниқлигини текшириш, баланс кўрсаткичлари билан ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги боғланишни аниқлаш, унинг айрим кўрсаткичларини тартибга солувчи суммалардан “тозалаш” ва йирик пул ўлчамидаги суммаларни яхлитлашни назарда тутати.

Баланс тузилишини текширишда арифметик ва моддий текширувлар амалга оширилади.

Арифметик текширув баланс ва айланма қайдномалар, бош дафтардаги суммаларни солиштириш, баланс гуруҳлари ва бўлимлари бўйича суммаларни, актив ва пассив якунлари тенглигини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

Моддий текширув моддий бойликлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Товар-моддий бойликларнинг барча қолдиғи уларни натурал

шаклида ҳақиқий мавжудлилига мувофиқ келиши керак. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари қолдиғини ҳисобот маълумотларини ёқлама (инвентаризация) далолатномалари билан таққослаб текширган маъқул.

Балансинг аниқлиги баланс моддаларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Балансда кўрсатилган барча моддий бойликлар тўғри баҳоланган бўлиши керак, чунки нотўғри баҳолаш хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижасини бузиб юборади. Нотўғри баҳолаш қўшиб ёзиш, яшириш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар оқибатида юзага келади.

Бухгалтерия баланси маълумотларининг боғланиши балансда ва бошқа жадвалларда акс эттириладиган айрим кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали аниқланади. Бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг йил боши ва охирида кўрсатилган қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар 3-шакл маълумотларига мувофиқ келиши керак.

Молиявий ҳолатни таҳлил қилиш учун дастлаб бухгалтерия баланси таҳлилга тайёрланиши керак. Таҳлилга тайёргарлик балансни тозалаш, рақамларни яхлитлаш ва бўлимларни гуруҳлашдан бошланади.

Янги тасдиқланган молиявий ҳисоботларда молиявий ҳолатни ҳар томонлама ифодалаш учун имкониятлар мавжуд этилган. Молиявий таҳлилни ўтказишда, албатта юқорида кўрсатилган молиявий манбалар билан чегараланмаслик лозим. Зарурият бўлса, бошқа бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш ҳам керак. Молиявий маълумотлардан фойдаланган ҳолда корхоналар фаолиятига тўғри баҳо бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон бозор иқтисодиётига кириб бораётган экан, хорижий фирмалар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришг учун мамлакат иқтисодиёти уларга очик бўлиши лозим. Бунинг шартларидан бири республикада бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботини ташкил қилишни халқаро

андозаларга ўтказишдир. Бу борада республика мустақиллиги даврида кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган бу тадбирлар молиявий таҳлилнинг маълумотлар базасини бойитади, бу маълумотлардан фойдаланишни, молиявий ҳолат барқарорлиги таҳлилинини ўтказишни енгиллаштиради.

Хорижий фирма ва компаниялар молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш усуллари билан Ўзбекистонда амал этилаётган усулларда фарқланишлар кузатилмайди. Фарқланишни сезиш мумкин фақат бирлик кўрсаткичларда. Масалан; фирма ва компаниялар фойдалигига баҳо беришда бизнинг амалиётда рентабелликни 63 та тури, Италияда унинг 74 та, Японияда эса 56 та тури аниқланади. Бу ҳолат битта кўрсаткични баҳолашга нисбатан зарурий бирликми? Албатта унинг мазмунини тушуниш қийин эмас. Негаки, битта бухгалтерия баланси асосида корхона активлари ва пасивларига нисбатан 55 та рентабеллик турини аниқлаш мумкин (бухгалтерия балансини бирлик ва жамланган қаторларига нисбатан). Корхоналар фойдасида барча бирликлар таъсирини мавжуд деб оладиган бўлсак, бу таркиб тўғри ҳисобланади.

Тулов лаёқати, молиявий барқарорликни аниқлаш кўрсаткичлари бўйича асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати кўрсаткичларида ҳам худди шундай фарқланишларни сезиш мумкин.

Чет эл фирма, компанияларида молиявий таҳлил ҳамда унинг Ўзбекистон Республикасидаги фирма ва компаниялар молиявий таҳлили билан мувофиқлигида жуда кўп ўхшаш жиҳатларни сезиш мумкин. Буни бевосита молиявий ҳисоботларни тузиш коидаларини ягоналиги, молиявий ҳисобот шакллари мазмунининг бир хиллигидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва улар миллий стандартларнинг тузилишида ҳам шу заруриятни сезиш мумкин.

Молиявий таҳлил юзасидан ўхшашлик албатта бошқарув иши бўйича ҳам бир хиллик мавжуд, деган хулосага олиб келмайди. Бошқарув таҳлили юзасидан давлатлар ўртасида турлича фарқланишларни сезиш мумкин. Бошқарув таҳлили ёки ишлаб чиқариш таҳлили, бошқарув ҳисоби ва ҳисоботининг таркибий қисми сифатида амал этадиган хорижий амалиётдан алоҳида тур сифатида олиниши ўзининг ташкилий, услубий, амалий асослари бўйича фарқ этади.

Корхоналарни иқтисодий нозоратка олиб келувчи асосий сабаблардан бири корхонадаги молиявий салоҳиятни пастлиги билан изоҳланади. Молиявий салоҳиятни ўзгариш даражаларига мувофиқ корхоналарни молиявий жиҳатдан барқарор, молиявий хавф-хатари бор ҳамда молиявий жиҳатдан нобарқарор фирма ва компанияларга ажратиш мумкин.

Корхонани молиявий жиҳатдан барқарор дейиш мумкин қачонки, унинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, юқори ижобий натижавийликни ифода этса, фирма ва компаниялар молиявий жиҳатдан хавф-хатари бор дейиш мумкин қачонки, кўрсаткичлар даражаси меъёрий даражада ва ундан тушиб кетса, молиявий нобарқарор дейиш мумкин қачонки унинг кўрсаткичлар тизимини ифодаси салбий натижавийликка эга бўлса кўрсаткичларни нисбий ифодасидаги меъёрий ўлчов унинг ҳар битта тури бўйича алоҳидаликда белгиланади. Масалан; товар ва захираларни ўз ва қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши юзасидан қуйидаги меъёрий ўзгарувчанликни белгилаш мумкин;

- ўз маблағларлари етарли;

- ўз ва узок муддатли қарз маблағлари етарли ўз маблағлари, узок ва қисқа муддатли қарз маблағлари етарли бўлган ҳолатда фирма ва компания мутлак молиявий барқарор деб юритилади;

- ўз маблағлари етишмовчилиги, қолган маблағлар етарлигида молиявий хавф-хатари бор;

- барча маблағлар етишмовчилигида молиявий нобарқарор корхона деб юритиш мумкин.

Асосий воситаларнинг эскириш даражаси бўйича:

- асосий воситаларни эскириш даражаси 50 фоиздан ортиқ даражада молиявий нобарқарор;

- эскириш даражаси 50 фоиз даражасида молиявий хавф-хатарли;

- 50 фоиздан кам даражада молиявий барқарорликни ифодалаш мумкин.

II БОБ. КОРХОНАНИНГ МУЛКИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Корхона мулкининг таркиби ва маблағлари манбаини таҳлили

Молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда, корхонанинг молиявий аҳволи, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиниши лозим бўлади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов: «Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир»⁶ деб айтиб ўтдилар.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналар мулкининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш молиявий барқарорли кўрсаткичлари таҳлилида муҳим ўрин тутади. Айниқса, балансга қараб, корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия баланси асосида дастлабки баҳолаш ҳисобот йили охирида бўлган баланс моддаларини йил бошига бўлган маълумотлар билан таққослаш ва четга чиқишларни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Баланснинг айрим моддалари бўйича ўзгаришлар корхона хўжалик фаолияти натижасида содир бўлади.

⁶И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.. 12.11.2010 й. 3 б.

Балансни таҳлил қилишда унинг тузилмаси аниқланади ва хўжалик фаолияти натижасида маблағлар ҳамда уларнинг манбалари таркибида содир бўлган ўзгаришлар ўрганилади; маблағлар қанчалик тўғри жойлаштирилганлиги аниқланади ва корхона молиявий аҳволига дастлабки баҳо берилади.

Таҳлил қилинаётган корхонанинг мулкӣ ҳолатини бухгалтерия баланси асосида таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади, уларнинг бир йилдаги ва қатор йиллардаги ўзгаришлари аниқланади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални келтирамиз, (2.1-жадвал).

2.1-жадвал маълумотларидан кўринишича, “Тошкент нон шахри” корхонасида хўжалик маблағлари ҳисобот йили 99498 минг сўмга ошган ёки ўсиш суръати 107,81 % ни ташкил этди.

Корхона хўжалик маблағлари таркибида узоқ муддатли активларнинг салмоғи 2010 йил бошида 77,01 % ни, охирида эса 85,62 % ни ташкил қилиб, 194944 минг сўмга кўпайган. Унинг таркибида асосий воситаларнинг салмоғи ҳисобот йили бошида 88,93 %, охирида эса 72,63 % ни ташкил қилган. Ҳисобот йили бошида капитал қўйилмаларнинг узоқ муддатли активлардаги салмоғи 10,69 %ни, охирига келиб эса 27,07%ни эгаллади. Акцияларнинг улуши ҳисобот йили охирида 0,31 %ни ташкил қилган ҳолда 0,06 %га камайди.

Ҳисобот йили охирига келиб, корхона мулки таркибида айланма активларнинг салмоғи - 14,37 % ни ташкил қилди. Унинг таркибида 2010 йил бошида дебитор қарзларининг салмоғи 15.95 %ни, охирида эса 53,29 %ни ташкил қилди. 2010 йил охирида захира ва харажатларнинг улуши 30,56 %ни, пул маблағларининг улуши эса 15,70 %ни ташкил қилди.

Таҳлил қилинаётган корхонада муддати ўтган дебиторлик ва қарзлар мавжуд эмас. Булар корхона маблағлари тузилмасини яхшилайдиган ҳамда молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

2.1-жадвал

“Тошкент нон шаҳри” корхонаси мулкӣ ҳолатини таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил бошига		2010 йил охирига		Фарқи	
	Сумма	Салмоғи, %	Сумма	Салмоғи, %	Сумма	Салмоғи, %
Жами мулк (400 сатр)	1274580	100	1374078	100	+99498	-
Жумладан:	981602	77,01	1176546	85,62	+194944	+8,61
1.Узоқ муддатли активлар (130 сатр). Ундан:						
А)асосий воситалар (қолдиқ баҳода) (012 сатр)	872971	88,93	854444	72,63	-18527	-16,3
Б)номоддий активлар (022 сатр)	-	-	-	-	-	-
В)капитал қўйилмалар (100 сатр)	104985	10,69	318456	27,07	+213471	+16,38
Г)акциялар, сармоялар (040-090 сатрлар)	3646	0,37	3646	0,31	-	-0,06
Д)Шўъба ва хўжалик жамиятларига инвестициялар	-	-	-	-	-	-
2.Айланма активлар – жами (390 сатр). Ундан :	292844	22,99	197532	14,37	-95446	-8,62
А)заҳира ва харажатлар (150+180 сатрлар)	235844	80,50	60368	30,56	-175476	-49,94
Б)пул маблағлари (330+...+360)	9981	3,41	31019	15,70	+21038	+12,29
В)дебитор қарзлари (220+...+310 сатрлар)	46733	15,95	105260	53,29	+58527	+37,34
Г)бошқа айланма активлар (380 сатр)	-	-	-	-	-	-

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар ўз маблағлари манбаларини таҳлил қилиш уларни молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим ўрин тутди.

Корхонанинг ўз маблағлари устав, қўшилган ва захира сармоялардан; тақсимланмаган фойдадан; мақсадли тушумлар ва фондлардан; келгусидаги харажатлар ва тўловлар заҳираларидан; келгуси даврлар даромадларидан иборат бўлади.


Корхонанинг ўз маблағлари манбаларини жойланишини қуйидаги расмда акс эттирамиз (2.1-расм).

Иқтисодий инқироз даврида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритишни бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш резервларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади.

Корхонанинг ўз маблағлари манбаларини таҳлил қилиш авваламбор бухгалтерия баланси, пассив 1-бўлими асосида дастлаб ўз маблағлари манбаларининг таркибий тузилишини ва уларнинг бир йилдаги ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Таҳлил учун 2.2-жадвални ҳавола қиламиз.

2.2-жадвал маълумотларидан кўринишича, “Тошкент нон шахри” корхонасида ўз маблағлари манбалари 2010 йил охирида 1047241 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 124606 минг сўмга кўпайган ёки унинг ўсиш суръати 113,50 % ни эгаллаган.

Энди, 2.2-жадвал маълумотлари асосида “Тошкент нон шахри” корхонасининг ўз маблағлари манбаларини ҳар бир тури бўйича ҳисобот йилидаги ўзгариш сабабларини аниқлаймиз.



2.1-расм.Ўз маблағлари манбаларини жойланиши

2.2-жадвал

**“Тошкент нон шаҳри” корхонаси ўз маблағлари манбаларининг
таркибий тузилмаси ва уларнинг ўзгариши**

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил бошига		2010 йил охирига		Фарқ (+, -)	
	Сумма	Салмоғи, %	Сумма	Салмоғи, %	Сумма	Салмоғи, %
Устав капитали	36200	3,92	346000	33,04	+309800	+29,12
Қўшилган капитал	-	-	-	-	-	-
Резерв капитали	493006	53,44	577150	55,11	+84144	+1,67
Готиб олинган хусусий акция	-	-	-	-	-	-
Тақсимланмаган фойда	393429	42,64	123731	11,81	-269698	-30,83
Мақсадли тушумлар ва фондлар	-	-	-	-	-	-
Келгуси харажатлар ва тўловлар заҳиралари	-	-	-	-	-	-
Жами ўз маблағлари манбалари	922635	100	1047241	100	+124606	-

Корхонанинг ўз маблағлари манбалари таркибида устав капиталининг салмоғи 2010 йил бошида 3,92 % ни, охирида эса 33,04 % ни ташкил қилди. Резерв капиталининг салмоғи эса ҳисобот даврида 53,44 % ва 55,01 % ни ташкил қилиб, ўз маблағлари манбаларида у асосий ўринни эгаллади. Тақсимланмаган фойда ҳисобот йили бошида 393429 минг сўмни, йил охирида эса 123731 минг сўмни ташкил қилиб, 269698 минг сўмга камайган. Унинг жами мулк манбаридаги салмоғи 2010 йил бошида 42,64 %ни, охирида 11,81 % ни ташкил қилган.

Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор деганда, асосан унинг ўз маблағларининг ҳажми қарзга олинган маблағлар ҳажмидан кўп бўлиши тушунилади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз, (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

**“Тошкент нон шахри” корхонаси мулкани ташкил топиш
манбалари ва уларни таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Баланс пасиви	2010 йил бошига		2010 йил охирига		Фарқ (+, -)	
	Сумма	Салмо- ғи, %	Сумма	Салмо- ғи, %	Сумма	Салмоғ и, %
Жами мулк манбалари	1274580	100	1374078	100	+99498	-
1.Ўз капитали	922635	72,39	104724	76,21	+124606	+3,82
2.Қарзга олинган капитал	351945	27,61	326837	23,78	-25108	-3,83

2.3-жадвал маълумотларидан кўринишича, “Тошкент нон шахри” корхонасининг жами мулк манбалари 2010 йил охирида 1374078 минг сўмни ташкил қилиб, 99498 минг сўмга ошди. Ўз маблағларининг манбалари йил охирида 104724 минг сўмни ташкил қилиб, унинг жами мулк манбаларидаги салмоғи 76,21 % ни ташкил қилди.

Корхонанинг қарзга олган маблағлари, 2010 йил бошида 351945 минг сўмни, охирида 326837 минг сўмни ташкил қилиб, 25108 минг сўмга камайди. Унинг жами мулк манбаларидаги салмоғи эса ҳисобот даври охирида 23,78 % ни ташкил қилди.

Демак, корхонада 2010 йилда жами мулк манбаларининг асосий қисмини ўз капитали ташкил қилган.

Ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағларнинг нисбати коэффиценти қарзга олинган маблағлар суммасининг ўз маблағлари суммасига нисбати тариқасида аниқланади. Ушбу коэффицент корхонанинг ўз маблағларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган қарзга олинган маблағларнинг миқдорини кўрсатади.

2.3-жадвал маълумотларидан кўринишича, ушбу коэффициент “Тошкент нон шаҳри” корхонасида $2010 \text{ йил бошига } 8151064 : 2542251 = 0,38$, йил охирига эса $7707372 : 2856809 = 3,12$ ни ташкил этди ёки корхонанинг йил бошида ўз маблағларининг бир сўмига 38 тийин қарзга олинган маблағлар тўғри келган бўлса, йил охирига келиб 3,12 тийинни ташкил қилди. Демак, корхонанинг қарз маблағларига қарамлиги пасайган ва оқибат натижада унинг молиявий ҳолатининг барқарорлиги яхшиланган, деган хулоса чиқариш мумкин.

2.2.Молиявий барқарорлини ифодаловчи коэффициентларини таҳлили

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳар бир корхонанинг мустақиллигини таъминлаши билан бирга, унинг масъулияти ҳам ошади. Бундай шароитда ҳар бир корхона ўзининг маблағига, ўзининг бошқарув усулига, мулкига эга бўлиши керак. Ҳозирда мулкӣ бирлик ва муносабатларнинг шундай тизимини шакллантириш лозимки, бу ҳаракат аввало фаолият якунида юқори унум ва натижавийликни, бутлик ва манфаат уйғунлигини, энг муҳими бозор тўкин-сочинлиги ва жамиятимиз фаровонлигини таъминласин.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатди. Бу инқироз, иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, унинг оқибатлари мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: «Бошланган таркибий ўзгаришларни

ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш»⁷ лозимлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Мунтазам равишдаги инфляция шароитларида кўпчилик корхоналарнинг молиявий сиёсати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизматларни кенгайтириш имконини бермайди, чунки капитал ва захиралар амалда ўсиш йўналишига эга бўлмаган ҳолда, маблағлар истеъмол учун кўпроқ харажат қилиниши муносабати билан уларни «еб қўйилиши» кузатилади. Бу уларнинг молиявий барқарорлигига ва иш юзасидан ҳамкор сифатида ишончлилигига шубҳа туғдиради. Шу боис, кўп ҳолатларда нафақат молиявий ҳисобот ишончлилигининг текшируви билан чегараланмасдан, корхона молиявий аҳволини муфассал таҳлил қилиш зарурияти пайдо бўлади.

Корхона самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида бундай таҳлилни шартномага мувофиқ консалтинг хизматлари кўрсатиб аудиторлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай таҳлилга, шунингдек, таҳлил натижалари талаб этиш бўйича чоп этилган молиявий ҳисоботга илова кўринишида тақдим этиладиган чоп этилган молиявий ҳисобот истеъмолчилари, яъни: акциядорлар, банклар, мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар ҳам муҳтождир. Хорижий мамлакатларда молиявий маълумотларнинг аксарият истеъмолчилари ўзлари бундай таҳлил қилиш услубиётига эгадирлар.

Корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими унинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларидир. Шу туфайли бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар) га қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қоплайдиган, ноўрин дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз

⁷ И.А.Каримов. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т.: Ўзбекистон. 2009 й. 39 б.

мажбуриятларига ўз вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади.

Молиявий барқарорликка тегишли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Хусусан, Россия иқтисодий таҳлил фанининг кўзга кўринган йирик намоёндалари А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин, А.Л.Ли, С.И.Кравченко, В.В.Ковалев ва бошқаларнинг молиявий таҳлил бўйича чоп этилган қатор дарслик, ўқув қўлланмаларини, илмий мақолаларини эътироф этиш жоиз. Иқтисодчи олимларнинг корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими борасида тавсиялари турлича.

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин⁸ томонидан молиявий таҳлилга бағишлаб чоп этилган “Молиявий таҳлил услуги” ўқув қўлланмасида корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қилганлар:

- ўзлик манбалар коэффиценти;
 - ўзлик ва мажбуриятлар нисбати;
 - чаққонлик коэффиценти;
 - ҳаракатчан ва ҳаракатсиз маблағлар нисбати;
 - қисқа муддатли қарзлар коэффиценти;
 - заҳира ва харажатларни шаклланишида мустақил манбалар коэффиценти;
 - кредиторлик қарзлар коэффиценти;
- А.Ф.Ионова⁹ қуйидаги молиявий коэффицентларни тавсия этган:
- ўзлик капиталининг жамланганлик коэффиценти;
 - узоқ муддатли мажбуриятларнинг таркибий коэффиценти;
 - ўзлик капиталининг чаққонлик коэффиценти;
 - қарзларни узоқ муддатга олиш коэффиценти.

⁸ А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин. “Методика финансового анализа”. М.: ЮНИТИ. 2007.

⁹ А.Ф.Ионова., Н.Н.Селезнева.. “Финансовый анализ”. М.: ЮНИТИ. 2009.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий таҳлилга ва унинг айрим соҳаларига бағишланган адабиётлар, илмий рисола ва мақолалар чоп этилган. Бевосита корхоналарнинг молиявий ҳолатига бағишланган нуфузли ишлардан бири Э.А.Акрамов¹⁰ томонидан чоп этилган “Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили” ўқув қўлланмани эътироф этиш жоиз. Ушбу ишда муаллиф молиявий барқарорликни икки тизимли кўрсаткичларга умумлаштиришни тавсия этган:

I . Асосий кўрсаткичлар:

- 1) Ўзлик маблағларининг манбалари.
- 2) Ўзлик маблағларининг манбалари ва узоқ муддатли пасивлар.
- 3) Умумий манбалар – ўзлик маблағларининг манбалари, узоқ муддатли ва бошқа пасивлар.

II. Қўшимча кўрсаткичлар:

- 1) Айланма маблағларнинг ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти.
- 2) Мажбурият ва ўз манбалар нисбат коэффициенти.
- 3) Молиявий қарамлик коэффициенти.
- 4) Ўзлик капиталнинг чаққонлик коэффициенти.
- 5) Молиялаштириш коэффициенти.
- 6) Капитални қарзга олиш коэффициенти.

Иқтисодчи олим М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроиловлар¹¹ томонидан чоп этилган “Иқтисодий таҳлил” ўқув қўлланмада молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни 5 гуруҳга бўлинади:


1. Хусусий маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

¹⁰ Э.А.Акрамов. “Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили”. Т.: “Молия” нашриёти. 2003.

¹¹ М.Қ.Пардаев., Б.И.Исроилов. “Иқтисодий таҳлил”. Т.: “Меҳнат” нашриёт уйи. 2004

5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичларни қуйидаги расмда аниқ ифода этилган, (2.2-расм).



2.2-расм. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

Молиявий таҳлилга бағишланган адабиётлардан бири И.Т.Абдукаримов¹² томонидан чоп этилган “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари” номли рисоладир. Ушбу рисолада мустақиллик, молиявий барқарорлик ва молиявий қарамлик коэффицентларини молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари сифатида тавсия этилган.

Молиявий барқарорликни кўрсаткичлар тизимини таққослайдиган бўлсак, улар орасида катта фарқни сезиш мумкин.

Узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарорлиги, корхона иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражаси молиявий барқарорлик мезони ҳисобланади. Корхонанинг ўзининг шу вақтга бўлган қарзлари билан ҳисоб-

¹² И.Т.Абдукаримов. “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари”. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 1999.

китоб қилиш қобилиятини тавсифловчи баланс ликвидлигидан фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик – корхонанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатдир.

Хўжалик фаолияти натижасида корхонанинг тўлов қобилияти қисқа давр мобайнида ўзгариши мумкин, аммо молиявий барқарорлик кўрсаткичлари анча барқарор бўлиб, улар бундай давр ичида деярли ўзгармайди.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, уларни бир йил ёки бир неча йил учун динамикада қиёслаш, уларнинг ёмонлашиш ёки яхшилашиш сабабларини аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшилашга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Молиявий барқарорлик коэффициентларининг аҳамияти асосан кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади, зеро ушбу коэффициентлар орқали улар корхонанинг чет эл сармояларига қарамлик даражасини, молиявий ҳолатининг барқарорлигини, банкрот (синиш) эҳтимолини ҳамда инвестиция сиёсатини юргизиш вариантларини аниқлайдилар.

Корхоналарни молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулини қуйидаги жадвалда ҳавола қиламиз ,(2.4-жадвал).

Энди, “Тошкент нон шаҳри” корхонаси амалий маълумотларини қўллаган ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари таҳлилини 2.5-жадвалда ҳавола қиламиз.

Корхонанинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигини ва жалб қилинган қарз маблағларига қарамлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич – қарзга олинган ва ўз маблағларининг коэффициентиدير.

2.5-жадвал маълумотларидан кўринишича, агар 2010 йил бошига корхонанинг ўз маблағларининг ҳар сўмига 0,4 тийин қарзга олинган маблағлар тўғри келган бўлса, йил охирига келиб 0,3 тийинни ташкил этди.

Демак, корхонанинг қарз маблағларига қарамлиги камайган. Бундай ҳолат унинг молиявий ҳолатини барқарорлик даражасини оширади.

2.4-жадвал

Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб усули

Кўрсаткичлар	Норма	Аниқлаш тартиби
1. Қарзга олинган ва ўз маблағларининг нисбати	<1	<u>1-шакл.770 сатр</u> 1-шакл.480 сатр
2. Корхона жами мулкида асосий ва моддий айланма маблағларнинг улуши.	>0.5	<u>1-шакл 130+140 сатр</u> 1-шакл. 400 сатр
3. Корхона жами мулкида асосий воситаларни улуши	>0.3	<u>1-шакл. 130 сатр</u> 1-шакл.400 сатр
4. Ўз маблағлари билан таъминланиши	>0.1	<u>1-шакл.480-130</u> 1-шакл.390 сатр
5.Корхона тўлов қобилияти	>2.0	<u>1-ш.390-2а-ш.7 устун якуни</u> 1-шакл. 600 сатр
6. Узоқ муддатли қўйилмалар таркиби	>0.1	<u>1-шакл.570+580</u> 1-шакл. 130 сатр
7. Жалб қилинган капитал таркиби.	<0.1	<u>1-шакл.570+580</u> 1-шакл. 770сатр
8. Жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати	>1.0	<u>1-шакл.390 сатр</u> 1-шакл. 770 сатр
9. Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати	<1.0	<u>1-шакл.570+580 сатр</u> 1-шакл. 480 сатр

Корхонанинг жами мулкида асосий ва айланма маблағларнинг улуши ҳисобот даврида 0,9 коэффицентни ташкил қилди. Асосий ва айланма маблағларнинг корхона мулкида тутган салмоғи тадбиркорлик билан корхона маблағларидан фойдаланиш даражасини кўрсатади. Ушбу коэффицентнинг аҳамияти 0,5 дан кам бўлмаслиги керак.

“Тошкент нон шахри” корхонасининг жами мулкида асосий воситаларни улуши ҳисобот йили охирига келиб 0,8 ни ташкил қилди, Корхона жами мулкида асосий воситаларнинг салмоғи коэффиценти 5

2.5-жадвал

“Тошкент нон шаҳри” корхонасининг молиявий барқарорлик

кўрсаткичларини таҳлили

Коэффициентлар	Норма	Йил бошига	Йил Охирига	Ўзгариш (+,-)
1. Қарзга олиган ва ўз маблағларининг нисбати	<1	351945:922635=0,4	326837:1047241=0,3	-0,1
2. Корхона жами мулкида асосий ва моддий айланма маблағларнинг улуши.	>0.5	1217446:1274580=0,9	1236914:1374078=0,9	-
3. Корхона жами мулкида асосий воситаларни улуши	>0.3	981602:1274580=0,7	1176546:1374078=0,8	+0,1
4. Ўз маблағлари билан таъминланиши	>0.1	58967:292978=1,8	129305:197532=0,6	+0,4
5. Корхона тўлов қобилияти	>2.0	292978:161666=1,8	197532:172445=1,1	-0,7
6. Узоқ муддатли қўйилмалар таркиби	>0.1	190279:981602=0,2	154392:1176546=0,1	-0,1
7. Жалб қилинган капитал таркиби.	<0.1	190279:351945=0,5	154392:326837=0,5	-
8. Жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати	>1.0	292978:351945=0,8	197532:326837=0,6	-0,2
9. Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати	<1.0	190279:922635=0,2	154392:1047241=0,1	-0,1

коэффициентни тўлдирувчи коэффициент ҳисобланиб, у асосий воситалардан қанчалик самарали фойдаланиш даражасини кўрсатади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти 0,1 дан ошмаслиги керак. Корхонада ушбу коэффициент ҳисобот йилида нормадан ташқарида, яъни – 1,8; 0,6 коэффициентни ташкил қилди. Бу корхонани тўловга қодирлиги пасайганлигидан далолат беради. Ҳисобот йили бошида корхонанинг тўлов қобилияти 1,8 ни, ҳисобот йили охирида 1,1 ни ташкил этди. Корхонанинг тўлов қобилияти ўз айланма маблағларининг сақланувчанлиги, тез пулга айланадиган айланма активларнинг ҳолатига ҳамда улардан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 0,2 дан кам, 0,3 дан юқори бўлмаса, у ҳолда назарий жиҳатдан корхонанинг тўлов қобилияти таъминланган бўлади. Корхонада ушбу коэффициент даражаси нормадан юқори бўлган.

Корхонада жорий активларнинг қарзга олинган капиталга нисбати коэффициентининг аҳамияти 2010 йил бошига 0,8 ни, йил охирига эса 0,6 ни ташкил этди. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 1 дан кам бўлмаса, мақсадга мувофиқ бўлади, зеро корхонанинг айланма активлари унинг қарзларини коплаши керак. Ушбу коэффициент нормадан ташқарида бўлган.

Узоқ муддатли қарзларни ўз капиталига нисбати коэффициенти аҳамияти 0,1 дан кичик бўлиши лозим. Ушбу коэффициент ҳисобот даврида - 0,2 ва 0,1 ни ташкил қилган.

Демак, таҳлил натижаларидан корхонанинг молиявий барқарорлиги ёмон эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотлар натижасида корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин:

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш учун хусусий капиталнинг кўпайиши, ундан самарали фойдаланиш лозим. Корхона хусусий капиталининг кўпайиши биринчи марта таъсисчилар ҳисобидан ташкил топган Низом жамғармаси орқали таъминласа, кейинчалик корхона

фаолияти давомида олинган фойдадан ажратмалар эвазига кўпайтириб бориш мумкин. Шу туфайли хусусий капитални кўпайтириш учун, энг аввало, корхона фойдасини кўпайтириб бориш мумкин. Корхонанинг фойдаси ҳар қандай хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб қолмасдан, балки самарали фаолият натижасидир.

Корхоналарнинг жуда кўп харажати банклардан олинган қарз учун тўланадиган фоиз ва транспорт харажати ташкил этади. Шу туфайли корхона имкони борица оборотдаги маблағларда ўз маблағларининг улушини кўпайтириши ва ниҳоят барча оборот маблағларини ўзининг ҳисобидан қоплаши лозим. Асосий воситаларни шакллантиришда унинг ҳиссасида фаол қисмини кўпайтириш ва жисмоний меҳнатни енгиллаштирувчи ускуналарни сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Агар корхонанинг транспорт воситаси бўлса, у фақат корхона зарарини камайтирибгина қолмасдан, балки фойда олишни ҳам таъминлаши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаганда асосий воситалар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш технологияси тез ўзгараётган, фан-техника тараққиёти жадаллашаётган пайтда асосий воситаларни зудлик билан янгиланишини тақозо қилади. Бу эса унинг амортизацияси меъёрини кўпайтиришни талаб қилади. Шундай экан, асосий воситаларнинг ҳам янгиланиши, илғор технологияни узлуксиз равишда жорий қилишни таъминлаш чоратadbирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири корхона дебитор қарзларини кўпайтирмаслик чорасини кўришдир. Ҳозирги пайтда жуда кўп фирмалар ва корхоналар молиявий жиҳатдан барқарор эмас. Бундай субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўлиш эҳтиёткорликни талаб қилади. Уларга товар бериш, пул ўтказиш ҳаракатдаги маблағни ўлик маблағга айлантириш билан баробар. Шу туфайли бундай хўжалик

операцияларини содир қилишдан олдин ҳамкор субъектлар молия-хўжалик фаолиятини ҳам чуқур ўрганишни талаб қилади.

Молиявий барқарорликни таъминлашда четдан жалб қилинган маблағлар, хусусан банк кредитининг ҳам ўрни катта. Корхонанинг молиявий потенциали таркибида четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссаси камайиб бориши лозим. Банк кредити фоиз юқори бўлиб турган ҳозирги шароитда ҳар бир корхона имкони бориचा ундан кам фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Иш барқарорлашиб, ишлаб чиқриш фаолоияти бир меъёрга тушган пайтдагина банк кредитидан фойдаланиш маълум даражада яхши натижа бериши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни таъминлаш учун банк кредитидан фойдланиш вақтини, унинг ҳажмини ҳам билишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, корхонанинг молиявий қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Бу ҳолат эркин рақобат шароитида янада муҳимдир. Шу туфайли корхона раҳбарлари корхонани молиявий қарамликдан сақлаш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш чоратадбирларини кўриши мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бу – бир ёқлама ёки мавсумий юмуш эмас. У доим амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли, кўп қиррали ишдир.

2.3. Корхонанинг тўлов қобилияти, мол-мулк ва маблағлар ҳаракатчанлигини таҳлили

Мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқроз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда аҳамияти катта бўлди. 2010 йилда Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси 24 %, транспорт ва алоқанинг улуши 12,4 %, хизматлар бўйича 49 % ва қишлоқ хўжалигидаги улуши эса 17,5 % ни ташкил қилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда корхона баланси ликвидлиги ва тўлов қобилиятни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш унинг молиявий ҳолати барқарорлигини баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Корхона баланси ликвидлигини таҳлил этиш молиявий таҳлилнинг энг асосий босқичларидан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳаёт-мамотини, уларни банкрот бўлиш ёки келгусида фаолият кечириш муаммоларини очишга ёрдам беради.

Ликвидлилик корхонанинг ўз жорий активлари ҳисобига ўзининг қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажаришга лаёқатлилигини кўрсатади. Баланс активи “реализация қилинадиган”, яъни мол-мулкни исталган вақтда нақд пулга айлантирса бўлади. Баланс активининг моддалари йўқ бўлиб кетмай, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтади. Баланс пассивининг моддалари “узиладиган”, яъни улар қарздорлик узилиши туфайли “йўқ бўлиш” қобилиятига эга. Мана шундай “ликвидлик” пассивда реализация қилинадиган активлар билан акс эттириладиган мажбуриятларни тўлашни англатади.

Баланс ликвидлигини аниқлаш долзарблиги корхоналарни банкротлик оқибатида тугатиш муаммоси юзага келадиган бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Баланснинг ликвидлик даражасини аниқлаш учун активнинг маълум муддатда тўланиши лозим бўлган қисмига таққосланади. Агара актив моддалари реализация мажбуриятларини тўлаш учун кифоя қиладиган суммасини берса, бу маънода баланс ликвид, яъни корхона тўловга лаёқатли, акс ҳолда эса у тўловга лаёқатсиз ҳисобланади.

Баланс ликвидлигини керакли даражада бўлиши — бу корхона фаолиятини давом этиши, бошқа корхона ва ташкилотлар — таъминотчи, кредитор, банк органлари ва давлат бюджети билан меъёрий иқтисодий алоқаларни давом эттириш кафолатидир. Бозор муносабатлари мураккаб бўлиб, бу вазиятда корхона баланси ликвидлик хусусиятга эга ва эга бўлмаслиги мумкин. Баланснинг ликвидлиги тасодифан, вақтинча, узоқ

муддатли ва доимий бўлиши мумкин. Лекин амалиёт талаби – корхоналар баланси ликвидликка эга бўлишидир.

Баланс ликвидлигини таҳлил қилиш корхоналар фаолиятида учрайдиган кўп муаммоларни мавжуд эканлиги ва уларни тез фурсатда ечиш зарурлигини кўрсатиб беради.

Баланснинг ликвидлик хусусияти бозор муносабатларининг асосий талабларидан биридир. Корхона ликвидлик хусусиятига эга бўлса, бу корхона иқтисодиёт мажмуасида фаолият кўрсатиши мумкин. Агарда корхона баланси бу хусусиятга эга бўлмаса, у бошқа корхона ва ташкилотлар билан меъёрий равишда иқтисодий алоқаларни олиб боролмайди ва фаолият кечириши оғирлашиб кетади. Демак, баланс ликвидлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиб туриш объектив заруриятдир.

Иқтисодчи олима Г.В.Савицкаянинг¹³ асарида баланс ликвидлиги таҳлил этилганда корхонанинг бутун мажбуриятлари ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича ҳисоб-китоб олиб борилади. Бизнинг иқтисодий адабиётимизда, услубий кўрсатмаларда баланс ликвидлигини таҳлил қилишда фақат қисқа муддатга олинган қарзлар эътиборга олинади.

Иқтисодий адабиётда корхоналар баланси ликвидлигини таҳлил этиш учун ҳар қил тизимдаги кўрсаткичлар тавсия этилган. А.Д.Шеремет ва Р.С.Сайфуллин¹⁴ ўз монографиясининг “Баланс ликвидлиги таҳлили” бўлимида қўшимча кўрсаткичлардан, “Молиявий коэффицентлар таҳлили” бўлимида асосий кўрсаткичлардан фойдаланганлар.

А.Ф.Ионова ва Н.Н. Селезневалар¹⁵ баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсакичлардан фойдаланганлар:

- жорий ликвидлик (қоплаш) коэффиценти;
- абсолют ликвидлик коэффиценти;
- ҳаракатчан ликвидлик;

¹³ Г.В.Савицкая. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. М.: ИНФРА. 2009. 468 с.

¹⁴ А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфуллин “Методика финансового анализа”.- М.: ЮНИТИ.2007 .

¹⁵ А.Ф. Ионова А.Ф., Н.Н.Селезнева .Финансовый анализ. -М. : ЮНИТИ. 2009.

- ишчи капиталининг самарадорлиги;

- қарзларнинг динамиклик омили;

А.Ваҳобов., А.Ибрагимовлар¹⁶ баланс ликвидлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этади:

-ликвидлик даражаси;

-қоплашнинг ўтиш коэффиценти;

- ликвидликнинг умумий коэффиценти;

-тоза тушум коэффиценти.

Иқтисодий адабиётларни чуқур ўрганиш натижасида баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими тўғрисида ҳамфикрлилик йўқлигини таъкидлаш керак. Иқтисодий адабиётларда баланс ликвидлигини таҳлил қилиш учун тавсия қилинган кўрсаткичлар кенг ва ҳар хил бўлиб, улар бир тизимга солинмаган, туркумлашмаган, тавсифланмаган.

Бу борада иқтисодчи олим М.Қ.Пардаевнинг¹⁷ тавсияларини диққатга сазовор деб топдик. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби усулини 2.6-жадвални келтирамыз.

Баланснинг мутлақ ликвидлигини аниқлаш учун бир йўла қуйидаги ҳолатга эришиш лозим.

$$A1 > П1 \quad A3 > П3$$

$$A2 > П2 \quad A4 < П4$$

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида баланснинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш эҳтиёжи корхона молиявий маблағларда чекланганлиги, шунингдек, инвесторлар, акциядорлар ва турли кредиторлар учун тўловга лаёқатлилигини аниқлаш зарурияти муносабати билан юзага келади. Баланснинг ликвидлигини таҳлил қилишда корхонанинг тўлаш қобилияти ҳам баҳоланиши зарур.

¹⁶ А.Ваҳобов., А.Ибрагимов. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. -Т.:Молия . 2005.

¹⁷ М.Қ.Пардаев. «Иқтисодий таҳлил». –Т.:Меҳнат 2004. 94 б.

2.6-жадвал

**Корхона баланси ликвидлигини таҳлил қилишни
ҳисоб-китоб усули**

Г у р у х	Актив	Баланс сатрлари	Г у р у х	Пассив	Баланс сатрлари
1	2	3	4	5	6
A1	Ўта тез пулга айланадиган активлар 2 ойгача	320+...+370-сатр №1-шакл	П1	Зудлик билан тўланадиган мажбуриятлар, 2 ойгача	600-сатр №1-шакл
A2	Тез сотиладиган активлар, 2 ойдан 6 ойгача	210+211-сатр №1-шакл	П2	Қисқа муддатли мажбурият-лар, 2 ойдан 6 ойгача	620+660+730+ +740 №1-шакл
A3	Секин сотиладиган активлар	030+140+190+200 №1-шакл	П3	Узоқ муддатли пассивлар, 6 ойдан 1 йилгача	490-сатр №1-шакл
A4	Қийин сотиладиган активлар 1 йилдан ошиқ	012+022+100+211 №1-шакл	П4	Доимий пассивлар 1 йилдан ошиқ	480-сатр №1-шакл

Корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, у корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалайди.

Тўлов қобилияти деганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади.

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жўнатишган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдан тушган тушум ва

бошқалар киради. Шунингдек, қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларини амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин. Қимматли қоғоз, акция, облигация сотишдан олинган маблағ ва қўшма корхоналар қатнашишидан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши керак. Тўлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳнат ҳақи турли хил кредиторларга бўлган қарзлар киради. Корхонанинг маълум бир кундаги тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар солиштирилади.

Ҳозирги шароитида корхонанинг тўлов қобилиятини эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди.

Корхона баланси ликвидлигини аниқлаш мақсадида баланснинг маълум моддалари ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларини акс эттирувчи коэффициентлар тарзидаги кўрсаткичларни бутун бир тизими ҳисоблаб чиқилади. Балансни тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб, қуйидагилар киради:

1.Мутлоқ ликвидлик коэффициенти. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмаларнинг жорий мажбуриятлардаги улушини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг энг мобил (ҳаракатчан) қисми пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозлар ҳисобланади. Чунончи, қимматли қоғозлар тезда пулга айлантирилиб қарзларни узишга ва тўловларни тўлашга ишлатиш мумкин. Бинобарин, шу сабабли уларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати мутлоқ ликвидлик коэффициенти деб аталади.

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти асосида шу вақтдаги мажбуриятларни қоплаш учун нақд пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу биринчи навбатда мазкур корхонага маҳсулот етказиб берувчилар учун аҳамиятли. Бу кўрсаткични нормадаги даражаси бўлиб $>0,2$

$<0,7$ ҳисобланади. Ушбу коэффициентни аҳамияти агар $0,2$ дан кам, $0,7$ дан юқори бўлмаса, у ҳолда назарий жиҳатдан корхонанинг тўлов қобилияти таъминланган бўлади. Аниқланиши: 1 ш. 320+..+370-сатр : 1 ш. 600-сатр.

2.Шошилинч ликвидлик коэффициенти. Шошилинч ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар улушини тавсифлайди. Ушбу коэффициент корхонанинг ликвид активлар ҳисобидан тезда жорий мажбуриятларни узиш қобилиятини кўрсатади.

Шошилинч ликвидлик коэффициенти корхонанинг тез ликвид активлардан жорий мажбуриятларни бажариш қобилиятини белгилайди ва тўлаш коэффициенти кўрсаткичини тўлдиради. Шошилинч ликвидлик коэффициенти кўрсаткичининг юқорилиги молиявий хавф даражасининг пастлигидан ва четдан қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш учун яхши имкониятлар борлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич кредит беришда банклар ва кредит берувчи бошқа муассасаларни қизиқтиради. Ушбу коэффициентнинг нормадаги даражаси бўлиб $> 0,7 < 2,0$ ҳисобланади. Аниқланиши: 1ш.210+..320+370-сатр : 1 ш. 600-сатр

3.Жорий ликвидлик коэффициенти. Жорий ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишига кўра, яъни айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини тавсифлаб, корхонанинг тўловга лаёқатлилигига умумий баҳо беради.

Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий деб қаралади. Аммо бў кўрсаткичнинг жиддий ўсиши номақбул бўлиб, ишлаб чиқариш захираларига жойланган маблағлар айланувчанлиги сусайганидан, дебиторлик қарзларининг асоссиз кўпайишидан далолат беради. Ушбу коэффициентнинг нормадаги даражаси бўлиб, $>2 < 3,0$ яъни аҳамияти 2 дан 3 гача бўлиши назарий жиҳатдан асосланган. Агар ушбу коэффициентнинг аҳамияти 1-дан кам бўлса, у ҳолда корхона учун молиявий хавф-хатар туғилади. Чунки бу салбий ҳолат бир

сўмлик қисқа муддатли қарзларга бир сўмдан кам жорий активлар тўғри келади дегани.

Ушбу коэффициентнинг аҳамияти 3-дан кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, зеро менежмент нуқтаи назаридан активларни бошқариш борасидаги ўқувсизликдан далолат беради. Активларни керагидан кўп жамланиши улардан самарали фойдаланишга олиб келмайди. Лекин жорий ликвидлик коэффициенти аҳамияти 3-дан кўп бўлиши кредиторларни корхонага сармоя қўйишга кўпроқ жалб этади. Аниқланиши: 1ш. 390-сатр : 1ш.600-сатр

4.Қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш коэффициенти. Бу корхонанинг эркин ҳаракатлантириш имконини бермайдиган шаклдаги ўз сармояси улушини кўрсатади, зеро жорий қарздорлик билан ҳисоб-китоб қилиш учун заҳира ва харажатларни муомалага киритиш керак бўлади. Бу кўрсаткичнинг нормадаги даражаси <1 ҳисобланади. Аниқланиши: 1ш.140-сатр : 1ш.600-сатр.

5.Дебитор ва кредитор қарзлари орасидаги коэффициент. Бу кўрсаткични аниқлаш учун дебитор қарзлари суммасини (210, №1) кредиторлик қарзлар суммасига (600-730, №1) бўлинади. Бу кўрсаткичнинг нормадаги даражаси <1 ҳисобланади.

6.Қисқа муддатли мажбуриятларни корхонанинг ўз айланма маблағлари билан қоплаш коэффициенти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун корхона ўз айланма маблағлари суммаси (480+570+580-130. №1) қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига (600, №1) бўлинади. Бу кўрсаткичнинг нормадаги даражаси >0.5 ҳисобланади.

Энди “Тошкент нон шаҳри” корхонаси амалий маълумотларидан фойдаланиб, ушбу коэффициентларни таҳлил қилиб чиқамиз. Таҳлил учун 2.7-жадвални ҳавола қиламиз.

2.7-жадвал

**“Тошкент нон шахри” корхонаси балансининг тўлов қобилиятини
(ликвидлик) коэффицентларини таҳлили**

Коэффициентлар	Норма	2010 йил боши	2010 йил охири	Ўзгариш (+,-)
1.Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	>0.2 <0.7	9881:161666=0,06	3019:172445=0,18	+0,12
2.Шошилич ликвидлик коэффициенти	>0.7 <2.0	56614:161666=0,3	136274:172445=0,08	+0,5
3.Жорий ликвидлик коэффициенти	>2 <3.0	292978:161666=1,8	197532:172445=1,1	-0,7
4.Қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш коэффициенти	>1	235844:161666=1,4	60368:172445=0,3	-1,1
5.Дебитор ва кредитор қарзлари орасидаги коэффициент	<1	46733:161666=0,3	10260:101945=0,1	-0,2
6.Қисқа муддатли мажбуриятларни корхонанинг ўз маблағлари билан қоплаш коэффициенти.	>0.5	131312:161666=0,8	25087:172445=0,1	+0,7

2.7-жадвал маълумотларидан кўринишича, мутлоқ ликвидлик коэффиценти ҳисобот йили бошида 0,06, ҳисобот йили охирида эса 0,18 коэффицент, Ушбу коэффицентнинг йил охири йил бошига нисбати ўзгариши 0,12 га ошган.

Шошилич ликвидлик коэффиценти ҳисобот йили давомда норма доирасида бўлган: 0,3; 0,08 . Жорий ликвидлик коэффиценти ҳисобот йили давомида норма дирасида бўлган: 1,8 ва 1,1 коэффицент.

Ҳисобот йили давомида қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш коэффиценти – 1,4; 0,3; дебиторлик ва кредиторлик қарзлари орасидаги нисбат коэффиценти – 0,3; 0,1, қисқа муддатли мажбуриятларни ўз айланма маблағлари билан қоплаш коэффиценти – 0,8; 0,1. Демак, корхона бухгалтерия балансини тўловга қодирдир.

Шу тариқа ҳисоблаб чиқарилган ликвидлик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари корхонанинг турли даврларидаги балансларини, шунингдек, молиявий ҳолатни баҳолаш мақсадида турли корхонанинг балансини таққослаш имконини беради. Ликвидлик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст бўлган ва ёмонлашиб бораётган корхоналар банкрот деб топилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, кредиторларнинг пул маблағлари бўйича талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришга, шу жумладан солиқлар, йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмаган корхоналар банкрот (иқтисодий жиҳатдан ночор) деб ҳисобланади.

Корхонани бундай аҳволга олиб бормаслик учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ҳамда баҳолаб турилиши керак. Ликвидлик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади.

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;
- жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;
- айланма маблағларни айланиш тезлигини ошириш.

Ликвидлик ва тўлов қобилияти даражаси кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ҳамда иқтисодий бақувватлигига боғлиқ бўлади.

III БОБ. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ИШЧАНЛИК ФАОЛЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Айланма маблағларни айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш

Мамлакатимизда 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборат бўлди. Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: «Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор»¹⁸ деб айтиб ўтдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда айланма маблағларни таҳлил қилиш ўз фаолиятини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш айланмасига жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари асосий ва айланма маблағларга бевосита боғлиқдир. Ушбу маблағлар хўжалик юритувчи

¹⁸ И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. . 12.11.2010 й. 5 б.

субъектлар ташкил қилинганидан эътиборан фойдаланилади ва кўпайтириб борилади. Шу боисдан ҳам молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларни айланма маблағларини таҳлил қилиш муҳим масала ҳисобланади.

Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир. Улар асосий фондлардан фарқли ўлароқ, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Чунки бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўлиқ истеъмол қилиниб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказган ҳолда ҳам буюм-натура кўринишида, ҳам қиймат шаклида тикланади.

Маблағларнинг улуши корхонанинг умумий хўжалик маблағларида фаолият соҳасига қараб, 60 % дан 90 % гача бўлади. Корхонанинг молиявий ва иқтисодий аҳволи кўп жиҳатдан ана шу маблағлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Ҳозирги кунда республикамиздаги айрим вазириликлар, идоралар ва корхоналарда молиявий аҳвол қониқарсиз бўлиб қолаётганлиги, ўз айланма маблағларини сақлашга эътиборсиз бўлиш, шунингдек катта миқдордаги маблағлар дебиторлик қарзларига жалб қилиниб қолаётганлиги тайёр маҳсулотнинг меъёрдан ортиқча қолдиқлари тарзида ҳаракатсиз ҳолда келтириляётганлиги айтиш жоиздир.

Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида етакчи ўринни айланма маблағлар ҳиссаси ташкил этади. Таҳлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммонинг ҳал қилинишида олимлар бир тўхтамга келишган. Яъни, айланма маблағларни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда.

Аммо қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни таснифлаш бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Айрим дарсликларда¹⁹ баъзи қисмларидагина “Корхона активлари таҳлили” қисқа қараб чиқилган.

¹⁹ Г.В.Савицкая.” Анализ хозяйственной деятельности предприятия”. –М.: Инфра-М. 2009.

Айрим тадқиқотчилар айланма маблағларин ифодаловчи кўрсаткичларни учга бўлиб ўрганишни тавсия қилишади. Масалан, “Молиявий таҳлил”²⁰ дарслигида айланма маблағларни баҳоловчи кўрсаткичлар унинг ҳолатини, ҳаракатини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлинган. Аммо кўрсаткичлар тизимининг аниқ таснифи берилмаган. Бунинг устига айланма маблағларнинг ҳаракати ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бири-бири билан аралашиб кетган.

Бевосита молиявий таҳлилга бағишланган адабиётларда ҳам айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларга кам эътибор берилган²¹, худди шу ҳолатни В.В.Петров ва В.В.Ковалевларнинг тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин²².

Кейинги йилларда чоп этилган, бевосита корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашга бағишланган иқтисодий адабиётда²³ ҳам ушбу масала назардан четда қолган. Айланма маблағларга тегишли фақат уч кўрсаткич тавсия қилинган. Табиийки, бундай ёндошиш қўйилган муаммонинг тўлиқ ҳал бўлиши учун етарли эмас.

Маълумки корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун, улар керакли миқдорда ишлаб чиқаришнинг асосий ва айланма фондлари, меҳнат ва бошқа ресурслари билан таъминланиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ўз таркибига бино, иншоот, ускуна, хўжалик жиҳозларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг техникавий базасини ташкил этади ва узоқ вақт, кўплаб ишлаб чиқариш циклларида ҳизмат қилади. Уларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархига ўтказилади.

Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш захираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир

²⁰ И.О.Волжин, В.В.Эргашбоев. “Молиявий таҳлил”. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.

²¹ А.Ваҳобов., А.Иброҳимов. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. -Т.: Молия. 2005.

²² В.В.Петров, В.В.Ковалев. “Как читать баланс”. М.: “Финансы и статистика». 2003.


²³ Л.С.Васильева., М.В.Петровская. «Финансовый анализ».- М.: “Кнорус». 2010.

циклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига тўлиқ ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам айланма маблағларни борлиги, ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Масалан, асосий воситалардан самарали фойдаланилса, меҳнат унумдорлиги ошади, таннарх камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Лекин корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо – айланма маблағларни айланиши билан корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, айланма маблағларнинг айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, айланма маблағларнинг айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин.

2009 йилда чоп этилган «Финансовый анализ»²⁴ дарслигида: «Айланма маблағларнинг айланиши тезлатилса, унинг бир қисми тежалади, қўшимча фойда барпо бўлади, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Аксинча, айланма маблағларнинг айланиши секинлаштирилса, корхонага айланма маблағлари етмай қолади ва корхона фаолиятни давом эттириш учун ташқи манбалардан (банк кредити ва ҳоказо) фойдаланиб, корхона айланма маблағлари тўлдирилиши керак» деб баён қилинган. Шу сабабли корхоналарни айланма маблағларининг айланишини ўзгариши ва уни корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсири таҳлил этилади.

²⁴Э.М.Маркарьян. «Финансовый анализ». –М. : Кнорус. 2009.

Айланма маблағларни ишлаб чиқаришда иштирок этиш характери ва унга таъсир этиш даражаси; ҳосил бўлиш манбалари бўйича таснифлаш мумкин.



3.1-расм. Айланма маблағларни таснифлаш кўрсаткичлари

Корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлиги таҳлил қилинганда баланс бўйича ўзига қарашли айланма маблағларнинг мавжуд суммаси аниқланади ва улар билан қай даражада таъминланганлигига баҳо берилади» деб баён қилинган. Таҳлил учун 3.1-жадвални ҳавола қиламиз.

3.1-жадвал маълумотларидан кўринишича, “Тошкент нон шахри” корхонасининг ўзига қарашли айланма маблағлари 2010 йил бошига 131312 минг сўмни, йил охирига 25087 минг сўмни ташкил этган, яъни 106225 минг сўмга камайган. Корхона йил бошида ўзига қарашли айланма маблағлари билан 104532 минг сўмга, йил охирида эса 35281 минг сўмга кам таъминланган. Корхонанинг айланма маблағлари манбалари билан кам таъминланганлигининг асосий сабаби моддий айланма маблағларни суммасини 175476 минг сўмга камайтиши ҳисобланади.

3.1-жадвал

**“Тошкент нон шаҳри” корхонасининг мавжуд ўзига қарашли
айланма маблағлари таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил боши	2010 йил охири	Ўзгариши (+,-)
1.Ўз маблағларининг манбалари (балансинг I пассив бўлими жами, 480)	922635	1047241	+124606
2.Узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (балансинг II пассив бўлими, 570+580 сатрлар)	190279	154392	-35887
3.Жаъми манбалар: (1+2)	1112914	1201633	+88719
4.Асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар (балансинг I актив бўлими жами, 130 сатр)	981602	1176546	+194944
5.Корхонанинг мавжуд ўзига қарашли айланма маблағлари. (3-4)	131312	25087	-106225
6.Моддий айлланма маблағлар (балансинг II актив бўлими, 140 сатр)	235844	60368	-175476
7.Моддий айлланма маблағларни ўзига қарашли айлланма маблағлар билан таъминланиши. (5-6; +,-)	-104532	-35281	-69251

Энди корхонани айлланма маблағлари билан кам таъминланиш сабабларини ўрганиб чиқамиз. Бунинг учун “Тошкент нон шаҳри” корхонасининг ишлаб чиқариш заҳиралари ва харажатлар ҳолатини таҳлил қиламиз. Таҳлил учун қуйидаги 3.2-жадвални ҳавола қиламиз.

3.2-жадвал

**“Тошкент нон шаҳри” корхонасининг товар-моддий захиралари
ҳолатини таҳлили**

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил боши		2010 йил охири		Ўзгариши		Йил боши- га нисбатан
	Мутлоқ сумма, м.с.	Салмоғ и, %	Мутлоқ сумма, м.с.	Салмоғ и	Мутлоқ сумма, м.с.	Салмо- ғи, %	
1.Ишлаб чиқариш захиралари	235844	100	60368	100	-175476	-	0,2 марта
2.Тугалланмаган ишлаб чиқариш	-	-	-	-	-	-	-
3.Тайёр маҳсулот	-	-	-	-	-	-	-
4.Товарлар	-	-	-	-	-	-	-
5.Келгуси давр сарфлари	-	-	-	-	-	-	-
Товар-моддий захираларнинг жами	235844	100	60368	100	-175476	-	0,2 марта

3.2-жадвал маълумотларидан кўринишича, “Тошкент нон шаҳри” корхонасида 2010 йил бошида товар-моддий захиралар ҳажми 235844 минг сўмни, йил охирида эса 60368 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 175476 минг сўмга камайган. Унинг таркибида ишлаб чиқариш захираларининг улуши асосий ҳисобланади, яъни 100 % ни эагллайди.

Айланма маблағларни айланишини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1.Айланма маблағларни айланиш коэффиценти. Айланма маблағларни бир йилда неча марта айланишини билдиради.

2.Айланма маблағларни айланиш куни. Айланиш куни, айланма маблағларни бир марта айланиб чиқиш учун неча кун кетганини ифодалайди.

3.Айланма маблағларни бандлик коэффиценти. Бандлик коэффиценти, айланма маблағларни оборотда, яъни реализация ҳажмида тутган ўрнини ифодалайди.

Айланма маблағларни айланишини бир ойлигини, бир кварталлигини, ярим йиллигини ва бир йиллигини аниқлаш ва таҳлил қилиш мумкин.

Энди юқорида кўрилган айланма маблағларни айланиши билан корхонанинг молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани ифодаловчи кўрсаткичларни “Тошкент нон шаҳри” корхонасининг амалий маълумотларини қўллаган ҳолда қуйидаги 3.3-жадвалда кўриб чиқамиз.

3.3-жадвал

“Тошкент нон шаҳри” корхонасининг айланма маблағларини айланиш кўрсаткичларини таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил ,оши	2010 йил охири	Фарқи (+,-)
1.Сотишдан олинган соф тушум	1731877	1736075	+4198
2.Айланма маблағларни ўртача йиллик қолдиғи	292978	197532	-95446
3.Ҳисобот давридаги кун	360	360	-
4.Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти (1:2).	5,91	8,79	+2,88
5.Айланма маблағларни айланиш куни (2x360:1).	60,90	40,96	-19,94
6.Айланма маблағларни бандлилик коэффиценти (2:1).	0,17	0,11	-0,06
7.Бир кунлик оборот (1:360).	4810,8	4822,4	+11,6
8.Айланма маблағларни айланишини тезлашуви натижасида маблағларни бир қисмини ортиб қолиши.	-19,94x4822,4= -96158,6		-96158,6

3.3-жадвал маълумотларидан кўринишича, “Тошкент нон шаҳри” корхонасида 2010 йил охирида моддий айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти ҳисобот йили охирига келиб 2,88 бандга ошган, айланиш куни 19,94 кунга камайган. Бунинг натижасида уларнинг бандлилик коэффициенти ҳам 0,06 бандга камайган. Бир кунлик оборот ҳажми ҳисобот йили бошида 4810,8 минг сўмни, охирида эса 4822,4 минг сўмни ташкил қилиб, 11,6 минг сўмга ошган.

3.3-жадвал маълумотлари асосида айланма маблағларни айланиш кунини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоб-китобини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (3.4 -жадвал).

3.4 -жадвал

Айланма маблағларни айланиш кунини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш

Ҳисобни тар-тиб сони	Алмаштиришни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Айланма маблағларни айланиш куни	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		Сотишдан олинган соф тушум	Айланма маблағларни йиллик қолдиғи			
A	B	1	2	3 (2x360:1)	4	5
1	-	1731877	292978	60,90	-	
2	1	1736075	292978	60,75	-0,15	Соф тушум ҳажми ошган
3	2	1736075	197532	40,96	-19,79	Айланма маблағлар ҳажми камайган

Омиллар баланси: -19,94

3.4-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада айланма маблағларнинг айланиш куни 19,94 кунга тезлашган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1. Соф тушум ҳажмининг 4198 минг сўмга ошиши, айланма маблағларнинг айланиш кунини 0,15 кунга камайтирган.

2. Айланма маблағларнинг йиллик қолдиғининг 95446 минг сўмга камайиши айланма маблағлар айланиш кунини 19,79 кунга камайтирган.

Шундай қилиб, барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг: $(-0,12 + (-36,38)) = -19,94$ кун.

Айланма маблағларни айланишини тезлашиши айланма маблағларни ишлаб чиқаришдан бир қисмини озод қилинишига, айланма маблағларни секинлашуви эса ишлаб чиқаришга айланма маблағларни қўшимча жалб қилинишига олиб келади.

Айланма маблағларни айланишини тезлушуви натижасида қанча айланма маблағларни ишлаб чиқаришдан озод қилинганлигини ёки айланма маблағларни айланишини секинлашуви натижасида қанча айланма маблағларни қўшимча ишлаб чиқаришга жалб этилишини аниқлаш учун айланма маблағларни айланишини тезлашган ёки секинлашган кунини бир кунлик оборот суммасига кўпайтириш керак.

3.3-жадвал маълумотларидан кўринишича, «Тошкент нон шаҳри корхонасида айланма маблағларни айланишини тезлашуви натижасида оборотдан 96158,6 $(19,94 \times 4822,4 = -96158,6)$ минг сўм ортиқча маблағларни олиш керак.

Айланма маблағлар айланувчанлигини тезлашувининг асосий сабаблари корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициентини юқорилиги ҳисобланади.

Шундай қилиб, айланма маблағларнинг айланиб туришини таҳлил қилиш — уларни молиявий ҳолати барқарорлиги таҳлилнинг асосий

босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбари, таҳлилчилар ва аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим.

3.2.Дебиторлик қарзларининг умумий ҳажми ва айланувчанлик коэффициентларини таҳлили

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик субъектларига иқтисодий эркинлик берилиши туфайли кўпчилик корхоналар иш фаолиятини жадал суръатлар билан ривожлантириш учун тўғридан-тўғри республикадаги ва хорижий фирма ва компаниялар билан алоқа қилмоқдалар. Лекин шуни эслатиб ўтиш керакки, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги боис кўпчилик корхоналарида ва фирмаларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўсиб бормоқда. Шу боисдан, мамлакатда ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш бўйича барча ишлар амалга оширилиши лозим. Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: «2011 йилда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олдик»²⁵ деб айтиб ўтдилар.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ўрганиш дебиторлик қарзи коида тариқасида, пул ва моддий маблағлар амалда чиқиб кетиши ҳисобига пайдо бўлишини, уларнинг камайиши эса пул ва моддий маблағлар қайтиб келиши ёки қайта баҳоланиши натижаси бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Кредиторлик қарзи ташқаридан маблағлар келиши (маҳсулот етказиб берилиши, шўъба ва уюшмаган кирган корхоналарга қарзлар) ҳамда хўжалик фаолияти жараёнида қарз пайдо бўлиб, унинг ёзилиши натижасида вужудга келади. Масалан, бюджетга қарзлар солиқлар ёзиш натижасида, меҳнатга ҳақ тўлаш қарзлари – иш ҳақи ёзиш натижасида пайдо бўлади ва

²⁵ И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.. 21.01.2011 й. 23 б.

ҳоказо. Бу қарзлар ушбу корхонада ҳосил қилинган қўшимча қиймат ҳисобига ёки унинг қайта тақсимланиши ҳисобига вужудга келади. Кредиторлик қарзининг ушбу гуруҳи бўйича қарз хўжалик фаолияти жараёнида ёзилганида пайдо бўлади, қарзлар олинган даромадлар ҳисобига тўланади. Корхона раҳбарлари қарзни ёзиш даврининг қисқаришига ва у корхона даромадлари ҳисобидан тўланишларига эришишлари керак.

Иқтисодий инқироз шароитда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган зарур ҳодисадир. Лекин микроиқтисодиётда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари меъёрдан ортиб кетиб, муддатидан кечиктирилса, иқтисодиётнинг микро ва макро даражаларида жиддий ҳалокат сифатида бир қатор корхоналарнинг ликвидсизлиги, тўлов қобилиятсизлигини келтириб чиқаради. Булар эса, ўз навбатида корхоналарни банкрот бўлишига олиб келади, давлат бюджетига даромад тушишини, камайтиради, иқтисодиётнинг барқарор тараққиётига таъсир этади.

Иқтисодчи олим Л.Л.Ермолович дебиторлик қарзларига қуйидагича таъриф беради: «Дебиторлик қарзи – корхонанинг айланмасидан чиқиб қолган ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларда турган маблағларидир. Корхонани ўз маблағлари ёки бошқа корхоналарнинг маблағлари бу қарзларни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади²⁶.

Дебиторлик қарзларининг юзага келиши маблағларни корхона муомаласидан чиқаради, унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, ўз айланма маблағларининг етишмаслилига сабаб бўлади, натижада эса кредитор ва маҳсулот берувчилардан қарздорлик ортади. Бу эса тўловсизликка олиб келиши мумкин. Дебиторлик қарзлари корхоналарнинг нақд пулга ва моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини чегаралайди.

²⁶Л.Л.Ермолович. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. –Минск.: Современная школа/ 2010. 69 с.

Бу эҳтиёжларни қоплаш учун корхоналар ташқи маблағларни сафарбар этишга мажбур бўладилар. Дебиторлик қарзларнинг кўпайиб бориши корхона айланма маблағларининг айланишини секинлаштиради, демак, молиявий ҳолатини оғирлаштиради.

Дебиторлик қарзлари таҳлил этилганда улар ҳажмининг ўзгариши – динамикаси ва ўзаро нисбати аниқланади. Бу қарзларнинг динамикаси аниқланганда ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлар бўйича муҳлатли ва муҳлати ўтган қарзлар алоҳида таҳлил этилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўртасидаги нисбат ҳал хил, уларнинг ҳажми эса бир хил бўлиши мумкин. Дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзларидан, кредиторлик қарзлар эса дебиторлик қарзлардан кўп бўлиши мумкин.

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чиқиш каторлари ёки ўрни тушунилади. Харидор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлари ва ҳоказо.

Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида муддати ўтган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномада алоҳида каторланади. Уларнинг республика ичкарасидаги корхоналар ва республика ташқарисидаги корхоналар ўртасида муддати ўтган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий ҳолатини оғирлаштирувчи асосий сабаб омили сифатида олинади ва муҳим эътибор берилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисобот, маълумотнома хар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корхонанинг мажбуриятлар балансини ҳам тузиш мумкин.

Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил

топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ўрганишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш сабабларини ўрганиш;
- корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш муддатлари бўйича таснифлаган ҳолда ўрганиш;
- дебиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;
- муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йўллариини ўрганиш;
- қарзларни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва ҳоказо.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари;
- «дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома»дан;
- бухгалтерия ҳисобининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини акс

этирувчи тегишли счёт маълумотлари.

Дебиторлик қарзларининг таҳлили уларниг йил бошига ва йил охиридаги суммаси ҳамда тузилмасини қиёслаш, бир йиллик фарқини аниқлашдан бошланади. Таҳлил учун қуйидаги 3.5-жадвални келтирамыз.

3.5-жадвал

“Тошкент нон шаҳри” корхонаси дебитор қарзлари суммаси ва тузилмасини ўзгаришини таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил боши		2010 йил охири		Фарқ (+,-)	
	Сумма, м.с.	Сал- моғи, %	Сумма, м.с.	Сал- моғи , %	Сумма, м.с.	Сал- моғи, %
Дебиторлар						
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	12593	26,95	81877	77,78	+69284	+50,83
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар	31745	67,93	21648	20,57	-10097	-47,36
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи	2395	5,12	1735	0,02	-660	-5,1
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари	-	-	-	-	-	-
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	-	-	-	-	-	-
Бошқа дебиторлик қарзлари	-	-	-	-	-	-
Жами	46733	100	105260	100	-58527	-
Муддати ўтгани	-	-	-	-	-	-

3.5-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2010 йил охирида “Тошкент нон шаҳри” корхонасида дебиторлик қарзлари 105260 минг сўмни ташкил қилиб, 58527 минг сўмга камайди. Дебиторлик қарзларининг тузилмасида 2010 йил охирида асосий ўринни харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар эгаллаган бўлиб, унинг салмоғи 77,78 % ни ташкил қилди. Унинг мутлоқ ҳажми ҳисобот йили охирида 81877 минг сўмни ташкил қилиб, 69284 минг сўмга ошган.

Дебиторлик мажбуриятлари таркибида 2010 йил бошида мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақларнинг салмоғи 67,93 %ни, охирида эса 20,57 % ни ташкил қилди. Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзининг дебиторлик мажбуриятларидаги улуши ҳисобот йили охирида 0,02 %ни эгаллади.

Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида эътибор берилади. Негаки дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Иқтисодчи олимлар А.Ваҳабов ва А.Иброҳимовларнинг²⁷ фикрича: «Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффиценти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди».

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлигини сотишдан олинган соф тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтриш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланиш кун

²⁷ Ваҳабов А., Иброҳимов А. «Молиявий ва бошқарув таҳлили». –Т.: Шарк, 2005. 56 б.

аниқланади. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини 3.6-жадвалда келтирамиз.

3.6-жадвал

“Тошкент нон шаҳри” корхонасининг дебиторлик қарзларининг айланувчанлигини таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил боши	2010 йил охири	Фарқи (+,-)
1.Дебиторлик қарзлари	46733	105260	-58527
2.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	1731877	1736075	+4198
3.Айланма активлар	292978	197532	-95446
4.Муддати ўтган дебиторлик қарзлари	-	-	-
5.Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти (2 : 1)	37,06	16,49	-20,57
6.Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1х360:2)	9,71	21,83	+12,12
7.Айланма активлар таркибида дебиторлик қарзлари, % (1:3х100)	15,95	53,29	+37,34
8.Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, % (4:1х100)	-	-	-

3.6-жадвал маълумотларидан кўринишича, корхонада дебиторлик мажбуриятларининг ҳажми 2010 йил охири йил бошига нисбатан 58527 минг сўмга камайган. Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми эса ҳисобот йили охирида 1736075 минг сўмни ташкил қилиб, 4198 минг сўмга ошган. Дебиторлик қарзларининг ундирилиш даври эса ҳисобот даври бошига нисбатан 12,12 кунга ошган. Яъни, дебиторлик қарзларининг ундириб олиниши бир қадар секинлашган. Бу ҳолат бевосита маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум суммасининг ошиши ҳисобига рўй берган. Ҳисобот даврида дебиторлик мажбуриятларининг жами айланма

активлардаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,34 % га ошган.
Корхонада муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд эмас.

Дебиторлик қарзларининг айланишига иккита омил таъсир кўрсатди:

1. Дебиторлик қарзлари ҳажми.
2. Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми.

Ушбу омилларни таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаймиз, (3.7-жадвал).

3.7-жадвал

Дебиторлик қарзларининг айланиш даври ўзгаришини ҳисоб-китоби

Ҳисобни тар-тиб сони	Алماштириш-ни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Дебиторлик қарзларининг айланиш даври (1x360:2)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		Дебиторлик қарзларининг ҳажми	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум			
A	B	1	2	3	4	5
1	-	46733	1731877	9,71	-	
2	1	105260	1731877	21,88	+12,17	Дебиторлик қарзлари ҳажми камайган
3	2	105260	1736075	21,83	-0,05	Соф тушум ҳажми ошган

Омиллар баланси: +12,12

3.78-жадвал маълумотларидан кўринишича, дебиторлик қарзларининг айланиш куни 12,12 кунга секинлашган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида бўлган:

1.Дебиторлик қарзлари ҳажмининг 58527 минг сўмга камайиши натижасида дебиторлик қарзларининг айланиш куни 12,17 кунга кўпайган.

2.Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажмининг 4198 минг сўмга ошиши дебиторлик қарзларининг айланиш кунини 0,05 кунга камайтирган.

Шундай қилиб, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$(+12,17)-(-0,05)=+12,12 \text{ кун}$$

“Тошкент нон шахри” корхонасининг дебиторлик қарзларини таҳлили натижаларидан кўриниб турибдики, корхонада ҳисобот даврида муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлари бўлмаган.

3.3.Кредиторлик қарзларининг таркиби ҳамда айланиш кўрсаткичларини таҳлили

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида барча корхона ва ташкилотларнинг бозорда фаолият кўрсатишида зарур шарт- ҳисоб китоб ва молиявий интизомга қатъий риоя қилишдир.

Товарлар ва хизматлар бўйича барча ҳисоб-китоблар ҳар икки томон тасдиқлаган шартномаларга мувофиқ белгиланган муддатларда бажарилиши шарт. Мажбуриятларнинг бузилиши корхоналарда ишлаб чиқаришда узилишларга олиб келади, тўловларни амалга оширмаслик занжирига ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кўпайишига, уларнинг молиявий аҳволини ёмонлашувига олиб келади.

Иқтисодчи олима Г.В.Савицкая кредиторлик қарзлари тушунчасига қуйидагича таъриф берган: «Кредиторлик қарзи – бошқа жисмоний ва юридик шахслардан вақтинча жалб этилган маблағлардир. Улардан шу корхонанинг айланмасида вақтинча фойдаланилади. Уларни тўлаш муддати

келганда бу маблағлар айланма маблағлар суммасидан олиб берилиши керак»²⁸.

Кредиторлик қарзлар – «бошқа корхоналар ҳисобидан фаолият кўрсатиш» деса ҳам бўлади. Чунки кўп корхоналар маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун банк кредитларидан эмас, балки кредиторлик қарзларидан фойдаланадилар.

Кредиторлик қарзи қайтарилганда мажбуриятлар суммаси камаяди. Шунингдек, айланма маблағлар, яъни пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ҳам камаяди. Бундай ҳолатда бухгалтерия балансининг якуний суммаси камаяди, қарз корхонанинг маблағлари ҳисобидан узилади.

Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида муддати ўтган кредиторлик қарзлари бўлмаганлиги ҳам молиявий барқарорликни ифодаловчи муҳим омилдир. Кредиторлик қарзларни ҳам 90 кун ичида қайтарилганлиги корхона учун ижобий ҳол ҳисобланади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича куйидаги сабаб қаторларини таркиблаш мумкин:

- ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги; товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;

- мулк ва унга эгалик қилишда масъуллиқ ҳиссининг йўқлиги; ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;

- харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий ҳужжатлаштириш мезонларининг йўқлиги;

- ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда қатъий шартларнинг йўқлиги;

²⁸ Г.В.Савицкая. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. –М.: Инфра-М, 2009 435 с.

- кредит ташкилотлари билан миждоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

- суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий давлат қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к. сабабларни киритиш мумкин.

Биз юқорида белгилаган эдикки, корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик, кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қуйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Энди “Тошкент нон шаҳри” корхонаси амалий маълумотларини қўллаган ҳолда, кредиторлик қарзлари суммаси ва тузилмасини ўзгаришини қуйидаги 3.8-жадвалда кўриб чиқамиз.

2.9-жадвал маълумотларидан кўринишича “Тошкент нон шаҳри” корхонасида 2010 йил охирида кредиторлик мажбуриятлари 101945 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, 368 минг сўмга камайган. Унинг ўсиш суръати 99,6 % ни эгаллаган.

Кредиторлик қарзларининг тузилмасида ҳам ўзгаришлар бўлган. Унинг таркибида 2010 йил бошида бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг салмоғи 29,92 % ни, охирида эса 47,18 % ни ташкил қилган ҳолда 17481 минг сўмга ошган.

Корхонада кредиторлик қарзлари таркибида олинган бўнақларнинг улуши ҳам етакчи ўринни эгаллаган бўлиб, ҳисобот даври давомида унинг улуши 25,61 ва 23,43 % ни ташкил қилди. Ҳисобот йили охирида

3.8-жадвал

**“Тошкент нон шаҳри” корхонаси бўйича кредиторлик қарзлари
суммаси ва тузилмасининг ўзгаришини таҳлили**

Кўрсаткичлар	2010 йил боши		2010 йил охири		Фарқ	
	Сумма, м.с.	Сал- моғи, %	Сумма, м.с.	Сал- моғи, %	Сумма, м.с.	Сал- моғи, %
Кредиторлар						
Мол етказиб берувчи берувчилар ва пудратчиларга қарз	19820	19,37	9941	9,75	-9879	-9,62
Шўъба ва қарам жамиятларнинг қарзлари	-	-	-	-	-	-
Олинган бўнақлар	26205	25,61	23886	23,43	-2319	-2,18
Бюджет бўйича қарзлар	30614	29,92	48095	47,18	+17481	+17,26
Суғурталар бўйича қарз	-	-	-	-	-	-
Мақсадли давлат фондига тўлов қарзлари	8569	8,37	5109	5,01	-3460	-3,36
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	-	-	-	-	-	-
Бошқа кредиторлик қарзлари	-	-	-	-	-	-
Жами	102313	100	101945	100	-368	-
Муддати ўтказиб юборилган	-	-	-	-	-	-

кредиторлик қарзлари таркибида мол етказиб берувчи берувчилар ва пудратчиларга қарзларнинг улуши 9,75 %ни, мақсадли давлат фондига тўлов қарзлари эса 5,01 %ни эгаллади.

Кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларни ўрганиш асосида баҳо бериш учун 3.9-жадвални келтирамиз.

3.9-жадвал

**“Тошкент нон шахри” корхонаси бўйича кредиторлик қарзларининг
айланишини таҳлили**

Кўрсаткичлар	2010 йил боши	2010 йил охири	Фарқи (+.-)
1.Кредиторлик қарзлари	102313	101945	-368
2.Сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш таннарни	1383915	1410947	+27032
3.Мажбуриятлар	351945	326837	-25108
4.Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани	-	-	-
5.Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2 : 1)	13,53	13,84	+0,31
6.Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1х360:2)	26,61	26,01	-0,6
7.Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % (1:3х100)	29,07	31,19	+2,12
8.Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % (4:1х100)	-	-	-

3.9-жадвалдан кўринишича, таҳлил қилинаётган “Тошкент нон шахри” корхонасида кредиторлик мажбуриятлари 2010 йил охирида 101945 минг сўмни эгаллаган ҳолда 368 минг сўмга камайган. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарни эса ҳисобот йили бошида 1383915 минг сўмни, охирида 1410947 минг сўмни ташкил қилиб, 27032 минг сўмга ошган.

Кредиторлик қарзларининг айланиш даври 0,6 кунга тезлашган. Айниқса, таҳлил йилларида корхонада муддати ўтган кредиторлик қарзларининг йўқлиги эътиборга лойиқдир.

Корхонада кредиторлик қарзларининг жами мажбуриятлар таркибидаги салмоғи ҳисобот йили охирида 31,19 % ни ташкил қилган.

Демак, корхона банкнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитларидан фойдаланаяпти.

Энди, 3.9-жадвал маълумотларига асосланган ҳолда, “Тошкент нон шаҳри” корхонасида кредиторлик қарзларининг айланишига таъсир этувчи омилларни иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларида бири – занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (3.10-жадвал).

3.10-жадвал

Кредиторлик қарзларининг айланиш даври ўзгаришини таҳлили

Ҳисобни тартиб сони	Алмаштиришни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Кредиторлик қарзларининг айланиш даври (1x360:2)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		Кредитор-лик қарзларининг ҳажми	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарни			
A	B	1	2	3	4	5
1	-	102313	1383915	26,61	-	
2	1	101945	1383915	26,52	-0,09	Кредиторлик қарзлари ҳажми камайган
3	2	101945	1410947	26,01	-0,51	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарни ҳажми ошган

Омиллар баланси: -0,6

Тадқиқот ишида таҳлил натижалари бўйича хулоса қилиш асосида корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг олдини олиш ва аҳволини яхшилаш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллиги ва уларнинг шартларига қатъий амал этиш;
- даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартини белгилаш.
- зарур маҳсулотни етказиб бериш ва харид қилиш шартномаларини ўз вақтида, тўғри тузиш;
- ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;
- маҳсулот етказиб бериш ва сотишни вақтида ҳисоб-китоб қилиб бориш;
- маҳсулот етказиб берувчилар ва харидор корхоналарининг молиявий аҳволини ўрганиш;
- маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш;
- маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш;
- корхона бухгалтерлари, иқтисодчилари ва молия ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш;
- корхонанинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларини менежерга тақдим этиш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳар бир корхона раҳбари дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати фақат шу корхонанинг эмас, балки унга ҳамкор бўлган ва умуман бутун республика иқтисодиётининг молиявий аҳволига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири эканлигини доимо эсда тутишлари лозим. Демак,

корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш, уларнинг таркибини такомиллаштириш ва шу йўл билан унинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини яхшилаш корхона кун тартибига қўйилган асосий масалалардан биридир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона молиявий ҳолати барқарорлигининг таҳлили борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молиявий ҳолат барқарорлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти кўрсатиб берилди. Хусусан, корхона молиявий ҳолатини таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва ахборот манбалари кўрсатилди. Чунки, ўтказилаётган таҳлилнинг даражаси ва мазмуни фойдаланилаётган маълумотлар базасига боғлиқдир.

2. Корхона молиявий ҳолати барқарорлиги таҳлилининг асосий тамойиллари кўрсатилди. Корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигининг таҳлили кўп қиррали мураккаб ва муҳим бўлганлиги сабабли, у бир қанча тамойилларга асосланган бўлиши керак.

3. Таҳлил қилинаётган объект ёки бирорта иқтисодий тоифани холисона баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий ва методологик жиҳатдан ҳар томонлама асослаш - иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан, ишда корхона молиявий барқарорлигининг унинг мулкӣ ҳолати ҳамда ишчанлик фаолиги ва самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлари тизими тадқиқ қилинди.

4. Ишда корхонанинг мулкӣ ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни жиҳатдан ва мантиқӣ кетма-кетликка асосланган усуллари тадқиқ қилинди. Хусусан, тадқиқот объекти “Тошкент нон шаҳри” корхонаси амалӣ маълумотларини қўллаган ҳолда мулкӣ ҳолати кўрсаткичлари тузилмаси таҳлил қилинди ва тегишли тавсиялар берилди. Ҳисобот даврида “Тошкент нон шаҳри” корхонаси хўжалик маблағлари таркибида узоқ муддатли активларнинг салмоғи 2010 йил охирида 85,62 % ни ташкил қилиб, 194944 минг сўмга кўпайган. Унинг таркибида асосӣ воситаларнинг салмоғи ҳисобот йили бошида 88,93 %, охирида эса 72,63%

ни ташкил қилган. Ҳисобот йили бошида капитал қўйилмаларнинг узок муддатли активлардаги салмоғи 10,69 %ни, охирига келиб эса 27,07%ни эгаллади. Таҳлил қилинаётган корхонада муддати ўтган дебиторлик ва қарзлар мавжуд эмас. Булар корхона маблағлари тузилмасини яхшилайти ҳамда молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

5.Тадқиқот ишида корхонанинг ўз маблағлари манбаларини таҳлил қилиш усуллари “Тошкент нон шаҳри” корхонаси амалий маълумотларини қўллаган ҳолда тадқиқ қилинган ҳамда амалий тавсиялар берилди. Таҳлил натижаларига кўра, корхонада 2010 йил охирида 1047241 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 124606 минг сўмга кўпайган ёки унинг ўсиш суръати 113,50 % ни эгаллаган. Корхонанинг ўз маблағлари манбалари таркибида устав капиталининг салмоғи 2010 йил бошида 3,92 %ни, охирида эса 33,04%ни эгалади. Резерв капиталининг салмоғи эса ҳисобот даврида 53,44 % ва 55,01 % ни ташкил қилиб, ўз маблағлари манбаларида у асосий ўринни эгаллади. Тақсимланмаган фойданинг жами мулк манбаридаги салмоғи 2010 йил бошида 42,64 %ни, охирида 11,81 % ни ташкил қилган.

6.“Тошкент нон шаҳри” корхонасининг 2010 йил охирида қарзга олган маблағларининг жами мулк манбаларидаги салмоғи 76,21 %ни, ўз маблағлари манбаларининг салмоғи эса 23,78 %ни ташкил қилган. Демак, корхонада жами мулк манбаларининг асосий қисмини қарз маблағлари ташкил қилган. Ҳисобот йили бошига корхонанинг ўз маблағларининг бир сўмига 38 тийин қарзга олинган маблағлар тўғри келган бўлса, йил охирига келиб 3,12 тийинни ташкил қилди. Демак, корхонанинг қарз маблағларига қарамлиги пасайган ва оқибат натижада унинг молиявий ҳолатининг барқарорлиги яхшиланган, деган хулоса чиқариш мумкин.

7.Тадқиқот ишида корхона баланси ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилига катта ўрин берилган. Чунки ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш корхонанинг молиявий аҳволини баҳолашда муҳим омил ҳисобланади. Ишда “Тошкент нон шаҳри” корхонаси балансининг

ликвидлиги таҳлил қилинди ҳамда молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида керакли чора-тадбирларни ўтказиш учун амалий таклифлар берилди.

8. Корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиб – у корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалайди. Тўлов қобилияти корхонанинг ўз айланма маблағларининг сақланувчанлигини, тез пулга айланадиган айланма активларнинг ҳолатига ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Шу боис ишда корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи “Тошкент нон шаҳри” корхонасининг амалий маълумотларидан фойдаланиб, унинг тўлов қобилияти коэффицентлари таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари асосида корхона молиявий аҳволни яхшилаш борасида амалий таклифлар берилди.

9. Тадқиқот ишида “Тошкент нон шаҳри” корхонасининг молиявий барқарорлик даражасини ифодаловчи коэффицентлар таҳлил қилинди. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан корхонанинг молиявий барқарорлиги ёмон эмас, деган хулосага келинди ҳамда корхонада молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида амалий тавсиялар берилди.

10. Ишда корхонанинг айланма маблағларини айланиш кўрсаткичларини омилли таҳлил қилиш усуллари қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилди. Хусусан, корхонанинг айланма маблағларининг айланишини ўзгаришини унинг молиявий ҳолати барқарорлигига таъсири таҳлил қилинди. “Тошкент нон шаҳри” корхонасининг ўзига қарашли айланма маблағлари 2010 йил бошига 131312 минг сўмни, йил охирига 25087 минг сўмни ташкил этган, яъни 106225 минг сўмга камайган. Корхона йил охирида 35281 минг сўмга кам таъминланган. Таҳлил натижаларига кўра, «Тошкент нон шаҳри корхонасида айланма маблағларни айланишини тезлашуви натижасида оборотдан 96158,6 минг сўм ортиқча маблағларни олиш лозимлиги аниқланди. Айланма маблағлар айланувчанлигини

тезлашувининг асосий сабаблари корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффицентини юқорилиги ҳисобланади.

11.Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналар учун зарур шарт – молиявий ҳисоб-китоб интизомига қатъий риоя қилишдир. Шу боис ишда “Тошкент нон шахри” корхонасининг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида дебиторлик қарзлари таҳлил қилинди. 2010 йил охирида “Тошкент нон шахри” корхонасида дебиторлик қарзлари 105260 минг сўмни ташкил қилиб, 58527 минг сўмга камайди. Унинг тузилмасида 2010 йил охирида асосий ўринни харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар эгаллаган бўлиб, унинг салмоғи 77,78 % ни, мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақларнинг салмоғи эса 20,57 % ни ташкил қилди. Шу билан бирга, дебиторлик қарзларининг айланувчанлик кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари асосида корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун дебиторлик қарзларини пасайтириш, унинг таркибини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

12.Ишда кредиторлик қарзларининг суммаси ва тузилиши “Тошкент нон шахри” корхонасининг амалий маълумотлари мисолида таҳлил қилинди. “Тошкент нон шахри” корхонасида 2010 йил охирида кредиторлик мажбуриятлари 368 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш суръати 99,6 % ни ташкил қилган. Шу билан бир қаторда кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини ўрганиш асосида ҳам тўлиқ баҳо берилди. Корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳволини яхшилашнинг асосий йўллари кўрсатиб берилди ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: Адолат, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: Адолат, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил 23 март. // “Халқ сўзи”. 2006 йил 24 март, №57, 1 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корхона ва ташкилот раҳбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун жавобгарликларини ошириш борасида чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 12 майдаги ПФ- 1154-сон Фармони. 1999 йил 19 июл.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2003 йил 20 июн ПФ-3267-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор

йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618-сон Фармони.

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамда савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2002 йил 13 ноябрь. 390-сон.

10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ”Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2003 йил август. 368-сон.

11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2003 йил 28 июл.

12.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ”Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни солиштиришни ўтказиш тўғрисида”ги қарори. 1998 йил 4 август. 129-сон.

II. Президент асарлари:

13.Каримов.И.А. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 21.01.2011.

14.Каримов.И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12.11.2010.

15.Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш –тараққиётимизнинг муҳим омилидир». Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2010.

16.Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон, 2009 й.

17.Ислом Каримов. «Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир».–Т.:“Ўзбекистон”. НМИУ, 2007.

18.Каримов И.А. “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш. – Ўзбекистон мустақамлашнинг асоси. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар:

19.Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54 сон. Бухгалтерлар ва аудиторлар Ассосациясининг нашриёт маркази. Т.,2001 .

20.Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎЗР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

IV.Асосий адабиётлар:

21.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. «Молиявий ва бошқарув

таҳлили». –Т.: ТДИУ. 2010.

22.Васильева Л.С., Петровская М.В. «Финансовый анализ». –М.: Кнорус. 2010.

23.Маркарьян Э.А. «Финансовый анализ». –М.: Кнорус. 2010.

24.Донцова А.В.Никифорова Н.А. «Анализ финансовой отчетности». М: Дело и Сервис 2009.

25.Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. «Финансовый анализ». М. : ЮНИТИ. 2009.

26.Войтоловский Н.В. «Комплексный экономический анализ предприятия». –Спб.: Питер, 2009 .

27.Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». - М.: Инфра-М. 2009.

28.Савицкая Г.В. «Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности». –М.: Инфра, 2009.

29.Басовский Л.Е. «Экономический анализ». –М.: Риор. 2009.

30.Гинзбург А.И. «Экономический анализ». –Спб.: Питер, 2008.

32.Шеремет А.Д. Р.С.Сайфуллин. «Методика финансового анализа» – М.: ИНФРА-М. 2007.

33.Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. «Бошқарув таҳлили». –Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси», 2005.

34.Ваҳобов А.В. ва бошқалар. «Молиявий ва бошқарув таҳлили». -Т ,: Шарқ. 2005.

35.Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». –Т.: Консаудитинформ. 2005.

36.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. «Иқтисодий таҳлил назарияси». – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси. 2005.

37.Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. «Иқтисодий таҳлил». -Т.: Меҳнат. 2004.

38.Акрамов Э.А. «Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили». – Т.: Молия. 2003.

V.Қўшимча адабиётлар:

39.Камышанов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ». – 5-е издание. – М.: Омега-Л. 2010.

40. Берднюкова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. –М.: Инфра-М., 2010 .

41.Камышанов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ». – 5-е издание. – М.: Омега-Л. 2010.

42.Розанова Н.М, Зороастрова И.В. «Экономический анализ фирмы и рынка». – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2009.

43.Алексеева А.И.Васильева Ю.В.»Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности».- М.: Омега-Л.2009.

44.Барлиенко В.И. «Анализ хозяйственной деятельности». –М.: Омега-Л. 2009.

45.ЧуевИ.Н., ЧуеваЛ.Н. «Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности». –М.: Инфра .2008.

46.Просветов Г.И. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Задачи и решения». – М.: РДЛ. 2008.

47.Савицкая Г.В. «Анализ эффективности и рисков предпринимательский деятельности». М: ИНФРА. 2008.

48.Артёменко В.Г., Останов В.В. «Анализ финансовой отчетности». – Мю: Омега –Л. 2007.

49.Титов В.И. «Анализ и диагностика финансово хозяйственной деятельнолсти предприятия». –М.: “Издательский дом Дашков И К”. 2007.

50.Пардаев М.Қ. ва бошқалар. «Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили». -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2003.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

51. Солиқ ва божхона хабарлари. – Т., Молиявий-иқтисодий газета.

52. Иқтисодчи. – Т., Тошкент Давлат иқтисодиёт университети газетаси.

53. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., Илмий-амалий иқтисодий журнал.

54. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2009 йилдаги асосий кўрсаткичлари. –Т, 2010.

55. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йилдаги асосий кўрсаткичлари. –Т, 2009.

56. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари:

57. www.pravo.eastink.uz- (Сборник экономических законодательств).

58. www.iaa.org.uk- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).

59. www.gov.uz- (Новости правительства Узбекистана).

60. www.fr.ru – (Финансовая академия при правительстве Российской Федерации)